БУТУН ДУН'Е ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ, ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 221

17 ДЕКАБРЬ ЖУМА 1954 ЙИЛ

ВАҲОСИ 20 ТИЙИН.

ИЛҒОР КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАРНИНГ ТАЖРИБАСИ ШУНИ КЎРСАТАДИКИ, БИЗДА ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШ УЧУН БИТМАС-ТУГАНМАС РЕЗЕРВЛАР БОР. КЎПГИНА КОЛХОЗ ВА СОВХОЗЛАР ШУ ВАҚТГАЧА ПАХТА МАЙДОНЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШНИ ПАХТАЧИЛИКНИ УСТИРИШНИНГ АСОСИЙ МАНБА'И ДЕБ ҲИСОБЛАБ КЕЛАЁТГАНЛИКЛАРИНИ АЙТИБ ЎТИШ КЕРАК. ПАХТА МАЙДОНЛАРИНИ КЕНГАЙТИРИШ КЕРАК. АЛБАТТА, ДАВЛАТ БУ ИШДА БИЗГА ЖУДА КАТТА ЁРДАМ БЕРАДИ. ЛЕКИН ШУНДАЙ БЎЛСА ҲАМ, ҲОСИЛНИ ТОБОРА ОШИРИШ—ПАХТА ЕТИШТИРИШНИ КЎПАЙТИРИШНИНГ АСОСИЙ РЕЗЕРВИДИР. БИЗ, ҲОСИЛНИ КЎПАЙТИРИШ ҲИСОБИГА БИР — ИККИ ЙИЛ ИЧИДА ПАХТАНИНГ ЯЛПИ МАҲСУЛОТИНИ КЕСКИН СУРАТДА ОШИРИШНИ ТА'МИНЛАЙОЛАМИЗ ВА ТА'МИНЛАШИМИЗ КЕРАК.

(Пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан чақирилган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатидан).

Совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ Иккинчи с'ездига

Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг Марказий Комитети совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ Иккинчи с'ездини ва унинг орқали голиб социализм мамлакати қудратли адабиётининг ҳамма намояндаларини қизғин табриклайди.

Коммунистик партия совет адабиётининг янги кишини тарбиялашдаги, совет жамиятининг ма'навий-сиёсий бирлигини мустаҳкамлашдаги, коммунизм қуриш учун курашдаги катта ролини юксак даражада қадрлайди.

Ёзучиларнинг Биринчи с'ездидан кейин ўтган йиллар мобайнида совет адабиёти анча муваффақиятларга эришди. Социализм қуриш пафоси, Улуғ Ватан урушининг шиддатли йилларида совет ватанпарварларининг мислсиз жасоратлари, урушдан кейин халқ хўжалигини тиклаш учун курашда халқимизнинг меҳнат сохасидаги қаҳрамонликлари ҳаққоний акс этдирилган бадиий асарлар яратилди. Ҳечқачон адабиёт бизнинг совет адабиётимиз сингари хайрихоҳ ва меҳрибон китобхонларнинг шунчалик кенг доирасига эга бўлмаган эди.

Совет республикаларининг иқтисодий, сиёсий ва маданий жиҳатдан барқ уриб юксалганлиги СССР халқлари адабиётларининг гуллаб-яшнашига олиб келди. Барча қардош республикалар ёзучиларининг аҳил ҳамкорлик қилаётганлиги туфайли миллий адабиётлар ривожланмоқда ва бир-бирини бойитмоқда. Совет Иттифоқида катта тарихий аҳамиятга эга бўлган, замонамизнинг илғор идеяларини гавдалантиручи кўпмиллатли бадиий адабиёт яратилди.

Шу йиллар мобайнида совет адабиётининг халқаро миқёсдаги обрўйи ўсди. Совет Иттифоқидан ташқари мамлакатларда, айниқса халқ демократияси мамлакатларида совет адабиётини ўқучи китобхонлар доираси чексиз кенгайди. Совет адабиёти меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳамиша ҳимоя қилаётганлиги, одам севмасликни тарғиб қилучи империалистик идеологияга қарама-қарши ўлароқ гуманизм идеяларини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётганлиги, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик учун курашаётганлиги, инсониятнинг ёрқин келажагига оптимистик ишонч блан суғорилганлиги сабабли чет эллардаги миллион-миллион китобхонларнинг ҳурматига сазовор бўлди.

Совет ёзучилари ўзларининг ижодий фаолиятларида коммунизм учун, халқ оммасининг чинакам озодлиги ва бахти учун, кишининг киши томонидан ҳарқандай эзилишига ва эксплуатация қилинишига қарши курашнинг улуғ идеялари блан руҳланмоқдалар. Бизнинг ёзучиларимиз буржуазиянинг адабиёт жамиятдан «мустақил» деган соҳта ва мунофиқона шиорига, «сан'ат сан'ат учун» деган қалбаки концепцияларга ўзларининг юксак гоявий позицияларини—меҳнаткашларнинг манфаатларига, халқ манфаатларига хизмат қилиш позицияларини фахрланиб қарама-қарши қилиб қўймоқдалар.

Ёзучиларнинг Бутуниттифоқ Иккинчи с'езди жуда муҳим ижодий масалаларни муҳокама қилиши, адабиётимизнинг янада янги юксакликлар сари олға борадиган йўлини белгилаб бериши лозим.

Ҳозирги вақтда мамлакатимиз олдида, совет халқи олдида улуғвор вазифалар турибди. Социалистик саноат ва қишлоқ хўжалиги эришган ютуқлар асосида социалистик экономикани ва маданиятни янада қартомонлама ривожлантиришга қаратилган жуда катта тадбирлар амалга оширилмоқдаки, бу ривожланиш социалистик жамиятни мустаҳкамлаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш учун зарурдир. Социализм блан капитализм ўртасидаги мусобақа янада кенгроқ халқаро майдонда авж олмоқда ва янги, тагин ҳам юқори босқичга ўтмоқда. Капитализмнинг агрессив ва реакцион доиралари социализм кучларининг ўсишига ва халқларнинг капитал зулмидан ҳамда мустамлакачилик азобидан қутулиш йўлидаги интилишларига зўравонлик қилиб халақит беришга тайёрдирлар. Шу шароитда совет бадиий адабиётининг ижтимоий—ўзгартиручилик ва тарбиявий-актив роли мислсиз равишда ўсиб бормоқда.

Сан'атнинг бошқа ҳамма турлари каби бадиий адабиёт ҳам совет кишиларини ижодий меҳнатга ҳамда шу йўлда ҳали ҳам учрайдиган қийинчиликларни ва жамчиликларни енгишга, коммунизм қуриш улуғ ишига руҳлантириши лозим.

Совет халқи ўз ёзучиларидан шонли замондошларимизнинг—бутун халқ хўжалигини янада ривожлантиришнинг негизи ва Ватанимиз чегаралари даҳлсизлигининг гарантияси бўлган оғир индустрияни тўхтовсиз ўстиришдан иборат жуда катта вазифаларни бажараётган кишиларнинг; гигант электростанциялар қураётган, қурилиш методларини такомиллаштираётган, миллион-миллион гектар қўриқ ерларни ўзлаштираётган, бутун қишлоқ хўжалигини юксалтириш ва меҳнаткашларнинг озиқ-овқат маҳсулотларига ва халқ истеъмол қиладиган молларга ўсиб бораётган эҳтиёжларини яхшироқ қондириш учун курашаётган замондошларимизнинг ҳаққоний ва ёрқин образларини яратиб берадилар, деб кутмоқда.

БПСС Марказий Комитети ёзучиларни марксизм-ленинизмни ижодий эгаллаш асосида воқиликни чуқур ўрганишга чақиради, бу ҳол турмушнинг чинакам ҳақиқатини барча мураккабликлари блан биргаликда тўлиқ равишда кўришга, ҳозирги замон халқаро шароитда, империализм лагери блан социализм ва демократия лагери ўртасида кураш қизиб бораётган шароитда турмуш ҳақиқатининг қандай таркиб топаётганини кўришга, мамлакатимизда рўй бераётган ва Коммунистик партия раҳбарлик қилаётган тараққиёт процессларини тушуниб олишга, жамиятимиз ўсишининг қонуниятларини ва перспективаларини тушуниб олишга, ҳаётий зиддиятларни ва конфликтларни очиб ташлашга имкон беради. Совет халқи ўз ёзучиларини турмушга актив кириб бораётган, янги жамият қуришга халққа ёрдам бераётган оташин курашчилар сифатида кўришни хоҳлайди. Чунки бундай жамиятда ижтимоий бойликларнинг ҳамма чашмалари тўлиб-тошади. Бундай жамиятда психологияси капитализм сарқитларидан холи бўлган янги киши ўсиб етишади. Бизнинг ёзучиларимиз совет кишиларини коммунизм идеялари ва коммунистик ахлоқ руҳида тарбиялашлари, шахснинг ҳартомонлама ва гармоник ривожланишига, меҳнаткашларнинг барча ижодий қобилиятлари ва ҳаётқатларини тўла равишда гуллатиб-яшнатишга ёрдам беришлари лозим. Ҳаққоний сан'ат яратиш, чуқур фикрлар ва ҳислар блан тўла бўлган, совет кишиларининг бой ма'навий ҳаётини чуқур очиб берадиган, ўз қаҳрамонларининг образларида уларнинг бир-бири блан ажралмас равишда боғланган меҳнат фаолияти, ижтимоий ва шахсий ҳаётининг бутун хилма-хиллигини гавдалантирадиган сан'ат яратиш совет ёзучиларининг бурчидир. Бизнинг адабиётимиз янгиликни акс этдирибгина қолмасдан, шу блан бирга, унинг ғалаба қозонишига бутун чоралар блан ёрдам бериши ҳам лозим.

Ёшларни, ёш ишчиларни, колхозчиларни, интеллигентларни, Совет Армияси жангчиларини меҳнатга муҳаббатли бўлиш, тетиклик, ботирлик, ишимизнинг ғалабасига ишонч блан қараш руҳида, социалистик Ватанга чексиз садоқат руҳида ва империалистик агрессорлар халқларимизнинг тинч меҳнатини бузишга уринадиган бўлсалар уларга қақшатгич зарба беришга доимий тайёр бўлиб туриш руҳида тарбиялаш адабиётнинг муҳим ва фахрли вазифасидир.

Агрессив империалистик доиралар тор-мор келтирилган герман фашизмининг кучларини яна тўплаб тиклаётган бир даврда совет адабиёти эски дун'ёнинг реакцион кучларига қарши кураш ва четга туриши мумкин эмас. Совет бадиий адабиёти совет кишиларининг ватанпарварлик ҳисларини бутун революцион ихтирос блан тарбиялаб мустаҳкамлаши, халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаши, тинчлик, демократия ва социализм қудратли лагерининг янада жипслашувига ёрдам бериши, меҳнаткашларнинг пролетар интернационализм ва қардошларча ҳамжиҳатлик ҳисларини тарбиялаши лозим. Халқлар хавфсизлик манфаатлари йўлида, барча тинчликсевар кучларни жипслаштириш учун кураш байроғини янада юқори кўтариш, янги жаҳон уруши бошламоқчи бўлиб дўқ ураётган империалистларнинг жинояткорона планларини фош қилиб ташлаш ва шармандасини чиқариб қоралаш совет ёзучиларининг бурчидир.

Совет ёзучилари рус ва жаҳон классик адабиётининг энг яхши традицияларини давом эттириб, улуғ пролетар ёзучиси Максим Горький томонидан негизи қурилган социалистик реализм методини ижодий равишда ривожлантирмоқдалар, Владимир Маяковский жанговар поэзиясининг традицияларига эргашиб бормоқдалар. Социалистик реализм сан'аткордан воқи'ликни унинг революцион ривожланишида ҳаққоний, тарихий жиҳатдан конкрет қилиб тасвирлаб беришни талаб этади. Социалистик реализм вазифалари юксаклигида бўлиш—кишиларнинг чинакам ҳаётини, уларнинг ҳислари ва фикрларини чуқур билиш демакдир, уларнинг кечирмаларини чуқур пайқаб бунга нисбатан сезгирлик кўрсатиш ва буни қизиқтирарли ва тушунарли бадиий формада, реалистик адабиётнинг ҳақиқий намуналарига муносиб равишда тасвирлаб берабилиш демакдир,—мана шуларнинг ҳаммасини ишчилар синфи ва бутун совет халқи томонидан мамлакатимизда қурилган социалистик жамиятни янада мустаҳкамлаш учун, коммунизм ғалабаси учун олиб борилаётган улуғ курашни лозим бўлган даражада тушуниб берабилиш демакдир. Ҳозирги замон шароитида социалистик реализм методи ёзучидан мамлакатимизда социализм қуришни тугаллаш ва социализмдан аста-секин коммунизмга ўтиш вазифаларини тушунишни ғалаб қилади. Социалистик реализм ёзучининг ўзига хос лаёқатларига ва дидларига мувофиқ равишда кенг ижодий ташаббус кўрсатишига, хилма-хил шакллар ва услубларни танлаб олишига имконият беради.

Социалистик реализм принципларидан чекиниш совет адабиётини ривожлантиришга зарар етказади. Бизнинг адабиётимиз барқ уриб ривожланаётган ҳаётдан, сиёсий ва маданий жиҳатдан ўсган китобхоннинг талабларидан ҳали ҳам кўп жиҳатдан кейинда қолмоқда. Айрим ёзучилар ўз ишларига лозим бўлган даражада талабчанлик блан қарамаётирлар, совет воқи'лигини нурсизлантиручи бўш ва зайф асарларни чиқармоқдалар. Миллион-миллион китобхонлар учун руҳлантиручи ўрнак бўладиган ёрқин ва бадиий ифодали образлар кейинги вақтларда кам яратилди. Россия пролетариатининг ва Ленин партиясининг биринчи рус революцияси даврида ги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясидаги қаҳрамонлиги ҳақида ҳали ҳам монументал бадиий асарлар ёзилгани йўқ; совет кишиларининг тинч меҳнатини садоқат блан қўриқлаб турган бизнинг Совет Армиямиз тўғрисида ёзилган китоблар кам. Жуда бой классик меросни ишлаб чиқиш ва совет адабиётининг тажрибаларини умумлаштириб бериш, адабиётимизнинг гоявий-бадиий ўсишита кўмаклашуви лозим бўлган адабий танқидчилик ва адабиётшуносликнинг ҳали ҳам жиддий равишда кейинда қолмоқда.

Бирқанча асарларда рўй берган тенденциялар, я'ни воқи'ликни бирмунча бўяб кўрсатиш, ривожланиш зиддиятлари ва ўсиш қийинчиликларидан кўз юмиш тенденциялари адабиётимизнинг ривожланишига ёмон та'сир қилди. Капитализмнинг кишилар онгидаги сарқитларига қарши кураш адабиётда етарли равишда акс этдирилмаётир. Иккинчи томондан, турмушдан ажралиб қолган ба'зи адабиётчилар уйдирма конфликтлар ялаб, халтура асарлар ёздилар, совет жамиятини бузиб, ба'зан эса туҳмат ҳам қилиб тасвирлашга йўл қўйдилар, совет кишиларини ёпасига ёмонладилар.

Совет ёзучилари жамиятимизнинг олга боришига ёрдам бераётган барча янгиликни, илғорликни актив равишда қўллаб-қувватлаб, эски, хусусий мулкчилик дун'ёсининг кишилар онгидаги сарқитларини бор кучлари блан ва зўр эҳтирос блан фош қилиб ташлашлари, бепарво ва нодон кишиларни фош қилиб ташлашлари, социалистик хўжаликнинг ва маданиятнинг тез ўсишига халақит бераётган ҳамма нарсаларни, я'ни жамиятга зид бўлган ва эскириб кетган ҳамма нарсаларни ҳаётимиздан ситиб чиқаришга ёрдам беришлари лозим.

Партия ёзучиларни дадиллик блан ижодий ғайрат қилишга, адабиётнинг ҳамма турларини ва жанрларини бойитишга ва янада ривожлантиришга, совет китобхонининг тобора ўсиб бораётган ма'навий талабларини тўла қондирмоқ учун бадиий маҳорат савиясини оширишга чақиради.

Совет ёзучиларининг ижод қилишлари учун энг қулай шароитлар бор. Уларнинг китобларини ўқийдиган миллион-миллион китобхон дўстлари борки, ўтмишнинг энг яхши ёзучилари ўз китобларини ўқийдиган мана шундай миллион-миллион китобхон дўстлар бўлишини фақат орзу қилаолар эдилар, холос; уларнинг ўз адабиётини севадиган, талабчан, онгли етук китобхонлари бор.

Четэл ёзучилари учун янги илғор прогрессив сан'ат йўлида олиб борилаётган курашда илҳомбахш ўрнак ва тажриба манба'и бўлган совет адабиёти шу блан бирга четэл прогрессив ёзучиларининг энг яхши муваффақиятларидан ўзини ривожлантириш ва такомиллаштиришда фойдаланиб, ўзи ҳам бойимоқда. Бизнинг адабиётчиларимиз юксак бадиий маҳорат учун курашда четэллардаги дўстларнинг қимматли тажрибаларидан янада кўпроқ даражада фойдаланишлари мумкин ва лозим.

Совет адабиёти олдида турган фахрли ва мас'улиятли вазифаларни ҳал қилишда ёзучилар Союзи фаолиятининг муҳим аҳамияти бор. Коллектив раҳбарлик принципида қурилган, партияли ва партиясиз адабиётчиларнинг бутун ижодий кучларини жипслаштириб турган ёзучилар Союзи ўтган 20 йил мобайнида қудратли жамоат ташкилотига айланди.

Совет адабиёти ва совет ёзучилари турли ёт та'сирларга қарши, буржуа идеологияси ва капитализм сарқитларининг кўринишларига қарши курашда гоявий жиҳатдан ўсдилар ва чиниқдилар. Совет ёзучилари Союзи совет адабиётининг гоявий бўлишига, ёзучиларни идеологик жиҳатдан тарбиялашга ва уларнинг бадиий маҳоратини ўстиришга бундан буён ҳам асосий э'тибор бериши лозим, социалистик реализм принципларидан тойишларга қарши, адабиётимизни совет халқининг ҳаётидан, Коммунистик партия ва Совет давлати сиёсатининг актуал масалаларидан четга буриш йўлидаги уринишларга қарши кескин кураш олиб бориши, миллатчиликнинг, космополитизмнинг тақрорланишларига ва буржуа идеологиясининг бошқа кўринишларига қарши, адабиётни обивательчилик, гоясизлик ва тушкунлик ботқоғига итариб юбориш мақсадидаги уринишларга қарши кураш олиб бориши лозим. Совет адабиёти жаҳонда энг илғор адабиёт бўлгани учун меҳнаткашлар ишига хиамат қилиши ва жаҳон бадиий ижодиётининг юксак чўққисида туриши лозим.

Ёзучиларимизнинг ҳамиша халқ турмуши блан, халқнинг манфаатлари ва истак-орзулари блан бирга бўлишлари ва яшашлари, коммунистик жамият қуришнинг актив қатнашчилари бўлишлари, замондошларимизни, реал қаҳрамонларни—коммунизм қуриш ва билиб туришлари учун Союз ҳамавақт ғамхўрлик қилиши лозим.

Ёш ёзучиларни ижодий жиҳатдан ўстиришда уларга доимий ёрдам бериб туриш, совет адабиётини ёш талантлар блан бойитиш Совет ёзучилари Союзининг жуда муҳим вазифаларидан биридир.

Барча актив ёзучи кучларни гоявий жиҳатдан янада жипслаштириш, ёзучилар орасида принципиал танқидни ва ўз-ўзини танқидни дадиллик блан авж олдириш, ижодий масалаларни ўртоқларча муҳокама қилиш совет адабиётининг янги муваффақиятларга эришуви учун гаровдир.

Коммунистик партия Марказий Комитети совет ёзучиларининг Иккинчи с'езди ишларига муваффақиятлар тилайди ва ёзучиларимизнинг совет халқига фидокорона хизмат қилишга ўзларининг бутун кучларини бағишлашларига, коммунизм қурилаши улуғ замонига муносиб асарлар яратишларига қаттиқ ишонч билдиради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети.

Сурхондар'ё области йиллик пахта тайёрлаш планини бажарди

Шу йил 14 декабрьда Сурхондар'ё областининг колхоз ва совхозлари давлатга пахта топшириш йиллик планини тўла бажардилар. Область пахтакорлари экин майдонларини кенгайтириб ва мўл ҳосил учун курашиб бу йил мамлакатга ўтган йилга қараганда 20 минг тонна ортиқ пахта бердилар. Давлатга топширилган пахтанинг 92,1 процента биринчи ва отбор сортга қабул қилинди.

Областьнинг илғор колхоз ва совхозлари бу йил анчагина майдонга чигитни квадрат шаклида уялаб экган эдилар. Бу эса пахта далаларида мўл ҳосил етиштиришга катта ёрдам берди.

Ҳозир областьнинг колхозчилари, МТС ва совхоз ишчилари пахта ҳосилини сра нобуд қилмай теріб олиш ва кузги шудгорни тез тамомлаш учун социалистик мусобақани кучайтириб юбордилар.

СССР ҳунармандчилик кооперацияси вакилларининг иккинчи с'ездига

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР ҳунармандчилик кооперацияси вакилларининг иккинчи с'ездини ва у орқали совет ҳунармандчилик кооперацияси артельларининг ҳамма а'золарини қизғин табриклайдилар.

Меҳнаткашларнинг кўпкишилик армиясини бирлаштируучи Совет Иттифоқи ҳунармандчилик кооперацияси мамлакатнинг халқ хўжалигида катта ўрин тутади, унинг артельлари аҳоли учун йил сайин ўн миллиардларча сўмлик мол ишлаб чиқармоқдалар.

Мамлакатда халқ хўжалигининг барча тармоқларини кескин суратда юксалтириш ва совет халқининг моддий фаровонлигини янада оширишнинг кенг программаси амалга оширилаётган ҳозирги вақтда давлат саноати блан биргаликда кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришни анча кўпайтириши лозим бўлган ҳунармандчилик кооперациясининг роли янада ошмоқда.

Аҳоли учун зарур бўлган моллар ишлаб чиқаришни ҳамма чоралар блан ривожлантириш, янги буюмларни кўплаб ишлаб чиқаришни тезроқ ўзлаштириш, меҳнаткашларга маиший хизмат кўрсатадиган корхоналарнинг тармоқларини кенгайтириш ва уларнинг ишини яхшилашга эришиш учун қунт блан ҳаракат қилиш социалистик ҳунармандчилик кооперациясидаги барча ходимларнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Колхоз, МТС ва совхозлар учун маҳаллий бинокорлик материаллари ва ҳархил хўжалик асбоб-ускуналари ишлаб чиқаришни анча кўпайтиришга алоҳида э'тибор бериш лозим.

Совет ҳунармандчилик кооперацияси ўз олида турган мас'уллиятли вазифаларни муваффақиятли ҳал этиш учун зарур бўлган барча шарт-шароитларга эгадир. У давлат саноатининг доимий ёрдамига таянмоқда. Техника блан та'миланган анча корхоналари, ишчи ва мутахассисларнинг тажрибали кадрлари бор. Ҳунармандчилик кооперацияси артельларида ўз ишининг технасини кўпгина эгаллаган ўнларча ва юзларча новаторлар, юқори меҳнат унуми усталари етишиб чиқди.

Бу имкониятлардан максимал даражада фойдаланиш, кооператив саноатининг катта ва ҳалигача фойдаланилмай келаётган резерваларини ишга солиш, техникани ва ишлабчиқариш процессларининг технологиясини доимо такомиллаштириб бориш, меҳнат унумининг оширилишига эришиш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотнинг сифатини жиддий суратда яхшилаш, ҳарбир артельда ишлабчиқариш маданиятини ошириш, аҳолининг маиший эҳтиёжларига яхшироқ хизмат кўрсатиш ҳунармандчилик кооперацияси ходимларининг ватанпарварлик бурчидир. Ўз хомаш'ё базасини зўр бериб ривожлантириш, давлатдан олинадиган материаллардан унумли ва тежаб-тергаб фойдаланиш, ишлабчиқаришда маҳаллий хомаш'ёни кўпроқ ишлатиш, корхоналарнинг юқори даражада рентабель ишлашига эришиш керак, хўжасизликка ва кооператив маблағларини сарфлашда исрофгарчиликка қарши курашиш керак. Планнинг ҳарбир коллектив томонидан тўла ва ошириб бажарилиши учун ҳунармандчилик кооперацияси ходимлари ўртасида социалистик мусобақани кенг ривожлантириш, давлат саноати ва кооперация корхоналарининг илғор тажрибасини жорий қилиш зарур.

Ҳунармандчилик кооперациясининг раҳбар органлари, артель правлениелари артель а'золарининг маданий ва моддий-маиший эҳтиёжларини қондиришга кўпроқ э'тибор беришлари, артель а'золарини коллективизм руҳида, камчиликларга нисбатан шафқатсиз бўлиш, жамоат мулкини эҳтиёт қилиб сақлаш руҳида тинмай тарбиялашлари, меҳнат интизомини бутун чоралар блан мустаҳкамлашлари лозим.

Уставга қаттиқ риоя қилиш, артель а'золари кенг оммасини кооперация ташкилотларини бошқаришга ва уларнинг ишини контроль қилишга жалб этиш, танқид ва ўз-ўзини танқидни дадиллик блан ривожлантириш, бюрократизм ва сансалорликнинг ҳархил кўринишларига қарши қат'ий кураш олиб бориш ҳунармандчилик кооперациясининг бутун фаолиятини яхшилашнинг зарур шартидир.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети қат'ий ишонч билдирадиларки, ҳунармандчилик кооперацияси ўз зиммасига юклаган вазифаларни шараф блан бажаради, совет халқининг фаровонлигини тинмай оширишда, коммунистик жамият қуриш учун курашда партия ва ҳукуматга бундан кейин ҳам актив ёрдам беради.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

Совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ II с'езди очилди

Ўнбешинчи декабрьда Ватанимиз пойтахти Москвада совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ Иккинчи с'езди очилди. Адабиётчилар блан биргаликда бутун халқ тайёргарлик кўрган бу с'езд инсоният тарихида энг илғор, революцион ва гуманистик маданият бўлган совет маданиятини ривожлантиришда жуда катта воқеадир. Жаҳон маданияти хазинасидаги энг яхши хислатларни ўзига сингдириб олган кўп тилли совет адабиёти ленинизмнинг ўлмас идеялари блан, партия идеялари блан руҳланган адабиётдир. Совет адабиёти янги дун'ё яратишда, коммунистик даврнинг янги кишисини шакллантиришда қудратли қуроллдир.

Катта Кремль Саройи. Бу ерга Совет Иттифоқидаги барча социалистик миллатлар адабиётлари мастерларининг гули тўпланган. Шу миллатларнинг кўпи яқиндагина ўз ёзувига эга эмас эди, энди бўлса улар бутун прогрессив инсоният томонидан танилиб, жаҳон маданиятига жуда катта ҳисса қўшмоқдалар.

Делегатлар орасида машҳур совет ёзучилари бор. Буларнинг китоблари совет адабиётини барпо этиш вақтида қўйилган биринчи ғиштлар бўлди, булар бундан йигирма йил муқаддам ёзучиларнинг Биринчи с'ездида партиянинг чақиригига қулоқ солиб, улуғ Горький блан биргаликда совет адабиётиқинг қудратли кучларини социалистик реализм байроғи остида яхлит куч қилиб бирлаштирган эдилар. Улар блан бир қаторда адабиётчи ёшлар ўтиришипти, кўпмиллатли совет маданияти гуллаб-яшнаган сари уларнинг сафлари ўсмоқда ва кўпаймоқда.

Барча делегациялар социалистик Ватандаги ўнлаб халқларнинг тилида нашр этилган юзлаб янги китобларни с'езга ўзларининг ҳисоботлари тариқасида олиб келганлар. Булар — олга ва юксалиш сари! деган сўзларни ўзига шиор қилиб олган совет адабиёти ижодий кучларининг ўсиб бораётганлигини кўрсатучи далилдир. Бу — совет адабиётимизнинг улуғ бўрон қуши айтганидек, одамларга, мамлакатимизга, замонимизга муносиб бирдан-бир йўлдир!

Залда жуда кўп меҳмонлар — Хитой, Корея, Польша, Чехословакия, Германия Демократик Республикаси, Болгария, Венгрия, Руминия, Албания, Вьетнам, Мўғулистон Халқ Республикасининг ёзучилари, шунингдек Англия, Франция, Ҳиндистон, Югославия, Австрия, Голландия, Финляндия, Бразилия, Чили, Куба, Ливан, Уругвай ва бошқа мамлакатларнинг прогрессив ёзучилари ўтиришипти.

С'езд очилган вақтда Москва фабрикалари ва заводларининг ишчилари, олимлар, партия ходимлари, студентлар, Совет Армиясининг вакиллари ҳозир бўлдилар.

Кундуз соат тўрт. Зал одамлар блан лиқ тўлган. Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет ҳукумати раҳбарлари — **Н. А. Булганин, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А. И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев, Н. М. Шверник, П. Н. Поспелов, М. А. Суслов, Н. Н. Шаталин** ҳукумат ложаларига кириб келадилар. Делегатлар ва меҳмонлар уларни қизғин давомли овоция блан кутиб оладилар.

.. Энг кекса рус ёзучиси Ольга Форш қисқача кириш нутқи блен с'ездни очади. Залдагилар томонидан самимий кутиб олинган Ольга Форш ўз нутқининг биринчи сўзларини ўзининг доно маслаҳатлари блан совет адабиётининг ўсиши учун кўп фойда етказган И. В. Сталин хотирасига бағишлайди. Залдагилар И. В. Сталин хотирасини ўринларидан туриб ҳурматладилар.

С'езд Совет ёзучилари союзининг негизини қурган, совет ёзучиларининг Биринчи с'ездида раислик қилган Алексей Максимович Горький хотирасини ва кўплари Улуғ Ватан уруши фронтларида ҳалок бўлган бошқа ёзучиларнинг хотираларини ҳам ўринлан туриб ҳурматлади.

Ўтган йигирма йил мобайнида,—дейди Ольга Форш,—совет халқи жуда кўп шонли ва қаҳрамонона ишларни қилди. Совет кишилари Улуғ Ватан урушининг қийин йилларида ўзларининг мардлиги ва бирлигини бутун дун'ё олдида намойиш қилиб кўрсатдилар, улар урушдан кейин ўз мамлакатини тиклашда қаҳрамонлик кўрсатдилар. Мана шу йигирма йилнинг ҳамасида ҳам бизнинг адабиётимиз совет халқи блан муттасил бирга бўлди, коммунизм қуришнинг умумий ишига ўзининг қўлидан келган ҳиссасини қўшиб келди. Совет адабиётининг кучи шундаки, у ўлмас Ленининг умидларини ва истак-орзуларини, Коммунистик партиянинг иродасини ифодаламоқда; у, халқ манфаатлари блан, халқнинг давлат вазифалари блан биргаликда яшаб, коммунизм учун курашда қудратли қурол бўлмоқда.

(ДАВОМИ УЧИНЧИ БЕТДА)

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг пленуми

1954 йил 10—13 декабрьда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Пленум Ўзбекистон КП Марказий Комитети секретари Ўртоқ А. Э. Ниёзовнинг «Ўзбекистон ССРда пахта ҳосилини кўпайтириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш тўғрисида»ги докладини тинглади ва муҳокама қилди.

— Республика партия ташкилоти, — деди Ўртоқ Ниёзов, — КПСС Марказий Комитети сентябрь, февраль-март Пленумларининг қарорларини, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954 — 1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорини бажара бориб, меҳнаткашларни пахтачиликни ҳамда қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини яқада ривожлантириш учун қурашга сафарбар этиш соҳасида бирмунча иш қилди.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари бу йил галла, қоракўл тери ва пилла тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажардилар. Давлатга сабзавот, картошка, гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ўтган йилдагидан бирмунча кўп топширилди.

Пахта етиштириш кўпайди. Ҳозирги вақтда давлатга ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кўп пахта топширилди. Колхоз ва совхоз далаларида қали йиғиштириб олинмаган пахталар яна бирнеча юз минг тонна пахта тайёрлаш имконини беради.

Аммо, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида, пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатида қўйилган катта талабларни э'тиборга олиб, бу соҳада қилинган ишларга баҳо берганда Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, шунингдек бирқанча область партия комитетлари ва область ижроия комитетлари-нинг қишлоқ хўжалигига ва биринчи галда пахтачиликка раҳбарлик қилиш методи ва услубида катта хато ҳамда камчиликлар борлигини э'тироф этиш керак. Ана шу хато ва камчиликларнинг юз бериши натижасида республика пахта тайёрлаш планини бажаришда жиддий суратда кейинда қолмоқда. Қашқадар'ё, Хоразм, Сурхондар'ё областьлари ва Қорақалпоғистон АССРгина пахта тайёрлаш давлат планларини бажардилар. Ба'зи областьларда, чунончи Андижон, Тошкент, Наманган, Бухоро областьларида пахта ҳосилининг 1953 йилгагига нисбатан камайиб кетишига йўл қўйилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахтачилик ишларига раҳбарлик қилишда йўл қўйган хатоларининг моҳияти БПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Хрушчевнинг пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқида асосли равишда очиб ташланди. Бу хатолар нималардан иборат?

Даставвал, бу хато деҳқончиликда марказий вазифа бўлган пахта ерлари ҳосилдорлигини ошириш учун қурашнинг аҳамиятига етарли баҳо бермасликдан иборат бўлди. Фактлар шуни кўрсаталики, бирнеча йилдан буён ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахтани кўпроқ етиштириш жуда секин, қониқарсиз бормоқда.

Андижон областидаги аҳвол пахта ерлари ҳосилдорлигини ошириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигига етарли баҳо берилмаётганлигини очиқ-равшан кўрсатади. Ма'лумки, бу область ўтимида пахта ерлари ҳосилдорлиги жиҳатидан республикада етакчи ўринларнинг бирини эгаллаб келган эди. Аммо, кейинги уч йил мобайнида Андижон областида ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 6 центнердан ҳам кўпроқ камайиб кетди, айрим районларгина пахта топшириш планини бажармоқда. Бу йил давлатга ўтган йилдагидан камроқ пахта топширилди, бу областьнинг пахта тайёрлаш планини бажармаслик хавфи яққол кўринib қолди. Ҳолбуки Андижон областида пахтадан йил сайин муттасил юқори ҳосил олаётган колхозлар оз эмас. Бундай колхозларнинг тажрибалари тупроқ, иқлим шароити жуда яхши бўлган, кўпгина молиий-техника ва одам кучи ресурсларига эга бўлган Андижон областида ҳосилни тобора ошириш мумкин эканлигини исбот этади. Бу областьнинг кейинги қолаётганлигига сабаб нима, ахир?

Гап шундаки, Андижон области партия комитети ва даставвал унинг биринчи секретари Ўртоқ Мирзаахмедов, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ашуров КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларидан тегишли хулосаларни чиқариб олмаслар. қишлоқ хўжалигига раҳбарликни сусайтириб юборишлар. Бу нарса «Правда» газетасининг бошмақаласида жуда тўғри кўрсатилди. Ташкилотчилик ишларини олиб бориш ўрнига штурмчилик, кампанячилик, қорозбозликка йўл қўйилди, ходимларнинг ижодий ташаббуси ва ғайратини кучайтириш ўрнига ма'мурий усуллар қўлланилди. Бу эса Андижон область партия комитети учун характерли бўлган иш услубидир.

Республикадаги пахтакор совхозлар МТС ва колхозларга қараганда техника билан анча яхшироқ та'минланганлар, уларда минерал ўғитлар ҳам кўп. Аммо, шундай бўлса ҳам пахтакор совхозларда ҳосилни кўпайтириш вазифаси жуда қониқарсиз бажарилмоқда. Раҳбарликнинг ярамас методлари совхозлардаги ишларда ҳам кўринмоқда. Бир вақтлар етарли даражада иш тажрибасига эга бўлган Жалилов, Мангутов, Лобзов ўртоқлар раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун Совхозлар министрлигига юборилган эди. Лекин Совхозлар министрлигининг иши умуман жиддий суратда яхши йўлга қўйилмаганлигига сабаб шуки, бу министрликда раҳбарликнинг эски, канцелярячилик-бюрократик методлари сақланиб қолган, министрликлари ба'зи ходимлар тошириллган ишга мас'улиятсизлик билан қарамоқдалар.

Мавжуд экин майдонларида пахта ҳосилини ҳартомонлама кўпайтиришга жиддий э'тибор бериш билан бирга, пахта ва бошқа экинларни экиш учун янги ерларни ҳам ўзлаштиришимиз, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида янги ерларни ўзлаштириш юзасидан белгиланган планни сўзсиз бажаришимиз керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида бошқа бир жиддий хатоси — қишлоқ хўжалигидаги илғор иш тажрибаларини ва пахта етиштириш агротехникасидаги прогрессив усулларни, чунончи, чигитни квадрат шаклда уялаб экиш, ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш, қатор ораларини торайтириб чигит экиш каби усулларни умумлаштириш ҳамда колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига жорий қилишга қам э'тибор берилишидан иборатдир. Ма'лумки, СССР собиқ пахтачилик министрлигининг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, Тожикистон партия, совет ташкилотлари қатор ораларини торайтириб чигит экишга қадил киришдилар. Афсуски бизнинг республикамизда бундай қилинмади.

Ўзбекистон колхоз ва совхозлари бу йил галла, қоракўл тери ва пилла тайёрлаш давлат планини муваффақиятли бажардилар. Давлатга сабзавот, картошка, гўшт, сут ва чорвачиликнинг бошқа маҳсулотлари ўтган йилдагидан бирмунча кўп топширилди.

Пахта етиштириш кўпайди. Ҳозирги вақтда давлатга ўтган йилдагига нисбатан бирмунча кўп пахта топширилди. Колхоз ва совхоз далаларида қали йиғиштириб олинмаган пахталар яна бирнеча юз минг тонна пахта тайёрлаш имконини беради.

Аммо, КПСС Марказий Комитети Пленумларининг қарорларида, пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатида қўйилган катта талабларни э'тиборга олиб, бу соҳада қилинган ишларга баҳо берганда Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг, шунингдек бирқанча область партия комитетлари ва область ижроия комитетларининг қишлоқ хўжалигига ва биринчи галда пахтачиликка раҳбарлик қилиш методи ва услубида катта хато ҳамда камчиликлар борлигини э'тироф этиш керак. Ана шу хато ва камчиликларнинг юз бериши натижасида республика пахта тайёрлаш планини бажаришда жиддий суратда кейинда қолмоқда. Қашқадар'ё, Хоразм, Сурхондар'ё областьлари ва Қорақалпоғистон АССРгина пахта тайёрлаш давлат планларини бажардилар. Ба'зи областьларда, чунончи Андижон, Тошкент, Наманган, Бухоро областьларида пахта ҳосилининг 1953 йилгагига нисбатан камайиб кетишига йўл қўйилди.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг пахтачилик ишларига раҳбарлик қилишда йўл қўйган хатоларининг моҳияти БПСС Марказий Комитетининг биринчи секретари Ўртоқ Хрушчевнинг пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгашда сўзлаган нутқида асосли равишда очиб ташланди. Бу хатолар нималардан иборат?

Даставвал, бу хато деҳқончиликда марказий вазифа бўлган пахта ерлари ҳосилдорлигини ошириш учун қурашнинг аҳамиятига етарли баҳо бермасликдан иборат бўлди. Фактлар шуни кўрсаталики, бирнеча йилдан буён ҳосилдорликни ошириш ҳисобига пахтани кўпроқ етиштириш жуда секин, қониқарсиз бормоқда.

Андижон областидаги аҳвол пахта ерлари ҳосилдорлигини ошириш жуда катта аҳамиятга эга эканлигига етарли баҳо берилмаётганлигини очиқ-равшан кўрсатади. Ма'лумки, бу область ўтимида пахта ерлари ҳосилдорлиги жиҳатидан республикада етакчи ўринларнинг бирини эгаллаб келган эди. Аммо, кейинги уч йил мобайнида Андижон областида ҳар гектар ердан олинган пахта ҳосили 6 центнердан ҳам кўпроқ камайиб кетди, айрим районларгина пахта топшириш планини бажармоқда. Бу йил давлатга ўтган йилдагидан камроқ пахта топширилди, бу областьнинг пахта тайёрлаш планини бажармаслик хавфи яққол кўринib қолди. Ҳолбуки Андижон областида пахтадан йил сайин муттасил юқори ҳосил олаётган колхозлар оз эмас. Бундай колхозларнинг тажрибалари тупроқ, иқлим шароити жуда яхши бўлган, кўпгина молиий-техника ва одам кучи ресурсларига эга бўлган Андижон областида ҳосилни тобора ошириш мумкин эканлигини исбот этади. Бу областьнинг кейинги қолаётганлигига сабаб нима, ахир?

Гап шундаки, Андижон области партия комитети ва даставвал унинг биринчи секретари Ўртоқ Мирзаахмедов, область ижроия комитетининг раиси Ўртоқ Ашуров КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг қарорларидан тегишли хулосаларни чиқариб олмаслар. қишлоқ хўжалигига раҳбарликни сусайтириб юборишлар. Бу нарса «Правда» газетасининг бошмақаласида жуда тўғри кўрсатилди. Ташкилотчилик ишларини олиб бориш ўрнига штурмчилик, кампанячилик, қорозбозликка йўл қўйилди, ходимларнинг ижодий ташаббуси ва ғайратини кучайтириш ўрнига ма'мурий усуллар қўлланилди. Бу эса Андижон область партия комитети учун характерли бўлган иш услубидир.

Республикадаги пахтакор совхозлар МТС ва колхозларга қараганда техника билан анча яхшироқ та'минланганлар, уларда минерал ўғитлар ҳам кўп. Аммо, шундай бўлса ҳам пахтакор совхозларда ҳосилни кўпайтириш вазифаси жуда қониқарсиз бажарилмоқда. Раҳбарликнинг ярамас методлари совхозлардаги ишларда ҳам кўринмоқда. Бир вақтлар етарли даражада иш тажрибасига эга бўлган Жалилов, Мангутов, Лобзов ўртоқлар раҳбарлик лавозимларида ишлаш учун Совхозлар министрлигига юборилган эди. Лекин Совхозлар министрлигининг иши умуман жиддий суратда яхши йўлга қўйилмаганлигига сабаб шуки, бу министрликда раҳбарликнинг эски, канцелярячилик-бюрократик методлари сақланиб қолган, министрликлари ба'зи ходимлар тошириллган ишга мас'улиятсизлик билан қарамоқдалар.

Мавжуд экин майдонларида пахта ҳосилини ҳартомонлама кўпайтиришга жиддий э'тибор бериш билан бирга, пахта ва бошқа экинларни экиш учун янги ерларни ҳам ўзлаштиришимиз, СССР Министрлар Совети ва КПСС Марказий Комитетининг «Ўзбекистон ССРда 1954—1958 йилларда пахтачиликни янада ривожлантириш тўғрисида»ги қарорида янги ерларни ўзлаштириш юзасидан белгиланган планни сўзсиз бажаришимиз керак.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасида бошқа бир жиддий хатоси — қишлоқ хўжалигидаги илғор иш тажрибаларини ва пахта етиштириш агротехникасидаги прогрессив усулларни, чунончи, чигитни квадрат шаклда уялаб экиш, ғўза қатор ораларини узунасига ва кўндалангига ишлаш, қатор ораларини торайтириб чигит экиш каби усулларни умумлаштириш ҳамда колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига жорий қилишга қам э'тибор берилишидан иборатдир. Ма'лумки, СССР собиқ пахтачилик министрлигининг қаттиқ қаршилик кўрсатишига қарамай, Тожикистон партия, совет ташкилотлари қатор ораларини торайтириб чигит экишга қадил киришдилар. Афсуски бизнинг республикамизда бундай қилинмади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюроси ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республикадаги ба'зи раҳбар ходимларнинг, айрим илмий муассасалар ва қишлоқ хўжалиги мутахассисларининг агротехникадаги илғор усулларни жорий қилиш соҳасидаги тадбирларга қаршилик кўрсатиши каби ярамас ҳолларга тоқат қилиб келдилар. СоюзНИХИ ва унинг раҳбари ўртоқ Мальцев агротехниканинг илғор усулларини жорий қилишга айниқса қаттиқ қаршилик кўрсатди.

Шу сабабдан, республикада қатор ораларни торайтирилиб чигит экилган майдонлар унча кўп эмас. Ўзбекистон, Тожикистон, Озарбайжон, Қирғизистон, Туркманистондаги кўпгина колхоз ва совхозларнинг тажрибаси шуни кўрсатдики, чигитни квадрат шаклда уялаб экишга ва ғўза қатор ораларини узунасига ҳамда кўндалангига ишлаш усулига ўтиш сарф қилинадиган қўл меҳнатини икки-уч баравар камайтиради. Бу эса ишчи кучларининг бир қисмидан янги ерларни ўзлаштириш ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш учун фойдаланиш имконини беради. Янги усулга ўтиш ғўза парваришини ўз вақтида сифатли қилиб ўтказишни, ҳосилни анча кўпайтиришни та'минлайди. Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхози, Беркне-Волинский районидаги «Красний Октябрь» колхози, Наманган районидаги Сталин номли колхоз ва бошқа бирқанча колхозларнинг ишлари илғор усулнинг афзал эканлигини кўрсатиб турибти. Аммо квадрат шаклда уялаб экиш усули прогрессив роль ўйнаётганлиги аён бўлишига қарамай, йил бошида мўлжалланганидан анча камроқ ерга шу усулда чигит экилди.

Демак, бу соҳада йўл қўйилган жиддий хатоларни йўқотиш, пахта етиштиришнинг янги прогрессив усулларини дадил қўллаётганлигимиз керак. Бу масала фақат агротехника масаласигина эмас, бу масала сиёсий ва ташкилий жиҳатдан ҳам жуда катта аҳамиятга эгадир. Квадрат шаклда уялаб экиш усули ҳақиқатда агротехника соҳасидаги революциядир.

Пахта етиштиришнинг илғор усулларини, пахтачиликдаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги илғорларнинг муваффақиятларини умумлаштириш ва кенг жорий қилиш — биринчи даражали аҳамиятга эга бўлган вазифадир. Партия ташкилотлари бу вазифани амалга оширишга жанговарлик билан киришишлари керак.

Икки йил ичида ҳамма ерда чигитни квадрат шаклда уялаб экиш ва ғўзани узунасига ҳамда кўндалангига ишлаш усулини амалга ошириш вазифаси кескин қилиб қўйилди. Бу вазифани муваффақиятли бажариш учун барча имкониятлар бор. Узбекистон КП Марказий Комитети, Узбекистон ССР Министрлар Совети, область ва район партия комитетлари, область ва район ижроия комитетлари, колхоз, совхоз, МТСларнинг раҳбарлари ана шу жуда муҳим ишда большевикча сабот кўрсатишлари лозим.

1955 йилдаёқ неча юз минг гектар ерда чигит квадрат шаклда уялаб экилиши, ғўза қатор оралари узунасига ва кўндалангига ишланиши, қатор ораларини торайтириб экиш керак. Бунинг учун ўз вақтида яхши тайёргарлик кўриш лозим.

1955 йилда мўл пахта ҳосили етиштириш учун, пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатида олинган мажбуриятларни бажариш учун қураш — бу йил пахта ҳосилининг ҳаммасини тезликда йиғиштириб олиш, шудгор қилиш, шўрҳок ерларнинг шўрини ювиш, ирригация шохобчаларини тозалаш, қишлоқ хўжалигида куз ва қиш фаслидаги бошқа энг зарур тадбирларни ҳам тезликда бажариш керак демакдир. Шудгорлашни алоҳида контрольлик остига олиш, бунинг учун барча имкониятлардан фойдаланиш зарур.

Пахта етиштиришдаги янги усулларга қат'ий суратда ўтиш—трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари ремонтини намунали ўюштиришни, уларни торайтирилган қатор ораларига ва квадратларга мослаштиришни, квадрат шаклда уялаб экиш учун пахта сеялкаларини, шунингдек бошқа механизмларни ишлаб чиқаришни тезликда йўлга қўйишни талаб этади. Машиналарни ўз вақтида сифатли қилиб мослаштирсак ва тайёрласак, иш юришиб кетади.

Аммо бу ишларнинг ўзигина кифоя эмас. Техника моҳир кадрларни талаб этади. Бинобарин тракторчи, сеялкачи кадрлар тайёрлашни дарҳол кучайтириб юбориш керак. Бусиз ҳамма планларимиз яхши ният бўлиб қолади, холос. Энг муҳим нарса шуки, кадрларни, кенг колхозчилар оммасини агротехникадаги янги усулларга ўтишнинг фойдали эканлигига ишонтириш керак.

Пахта етиштиришдаги янги усулларни ва илғорларнинг иш тажрибаларини кенг жорий қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтириш — колхозчиларнинг маданий-техника савиясини тобора кўтаришни, қишлоқ хўжалигидаги барча кадрларнинг малакасини оширишни талаб этади. Қишки агротехника ўқуви даврида барча колхоз раисларига. полеводларга, партия ва комсомол ташкилотларининг секретарьларига, бригада, звено бошлиқларига, колхозчилар, совхоз ишчиларининг кўпчилигига, МТСлардаги барча трактор-чилар, агрономлар, механиклларга ва бошқа кадрларга квадрат шаклда уялаб экиш усулини, квадрат шаклда уялаб экилган сеялкаларни ишлатиш ва ғўза қатор ораларини узунасига ҳамда кўндалангига ишлаш усулини ўргатиш лозим. Ҳарбир колхоз ва совхозда бу усулни ўргатиш учун айрим кичик участкалар ажратилиши керак.

Пахтачилик соҳасида янги, илғор усулларни муваффақиятли равишда жорий қилишда илмий-текшириш муассасаларининг роли каттадир. Ана шу муассасаларнинг фаолияти ҳозирги пайтнинг катта талабларига жавоб бераолмаётир. Бунинг натижасида пахтачилик агротехникаси ва селекцияси масалаларини ишлаб чиқишда кейинда қолинмоқда. Республиканинг барча тупроқ-иқлим зонасида тез пишадиган ва машинада теришга мослаштирилган ҳамда кўп ҳосил олинишини та'минлайдиган пахта сортларини яқин икки-уч йил ичида етиштириш—селекциячиларнинг бурчидир.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги катта хато яна шундан иборатки, қолоқ колхозларни ўрта даражадаги ва илғор колхозлар даражасига кўтариш йўлида тегишинча иш олиб борилмаётир. КПСС Марказий Комитети кўп марта кўрсатиб ўтганидек, қолоқ колхозларда ҳосилни ошириш ва қишлоқ хўжалик экинлари яни маҳсулотини кўпайтириш учун жуда катта резервлар бор. Лекин шунга қарамай, қолоқ колхозлар ҳали ҳам кўпгина партия ташкилотларининг, жумладан Бухоро, Наманган, Самарқанд область партия комитетларининг э'тиборидан четда қолиб келмоқда. Ўзбекистон КП Марказий Комитети, кўпгина область партия комитетлари қолоқ колхозларни илғор колхозлар даражасига кўтариш соҳасидаги ишларга қониқарсиз раҳбарлик қилмоқда. Область ва районлардаги раҳбар ходимлар орасида бундай колхозларни кадрлар билан мустаҳкамлаш тўғрисида, механизациядан кенг фойдаланиш тўғрисида кам ғамхўрлик қилаётган раҳбарлар ҳали оз эмас.

Область ва район партия ҳамда совет ташкилотлари кам ҳосилли колхозлардаги аҳволни чуқур анализ қилишлари, уларни илғор колхозлар даражасига кўтариш тадбирларини белгилашлари лозим. 1955 йилда пахта тайёрлаш давлат планини бажармайдиган битта ҳам колхоз ва совхоз бўлмаслиги керак.

Пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини янада ривожлантириш йўлидаги умумхалқ курашида МТСларнинг роли ғоят каттадир, МТСларнинг колхозлардаги раҳбарлик ва ташкилотчилик ролини ҳартомонлама кучайтириш, ҳосил планларини бажариш учун, пахта етиштиришдаги янги усулларни ва илғорларнинг тажрибаларини жорий қилиш учун МТСларнинг жавобгарлигини ошириш керак. МТСларни малакали кадрлар билан бутун буён ҳам мустаҳкамлаб бориш зарур.

Қишлоқ хўжалигини ривожлантириш учун социалистик мусобақани уюштиришга расмиятчилик билан қараш ва колхозларда меҳнатни ташкил қилиш масалаларига етарли баҳо бермаслик, Узбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва Узбекистон ССР Министрлар Советининг қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш услубидаги жиддий хатосидир.

Бизда шундай бир нотўғри ва мутлақо йўл қўйиб бўлмайдиган бир практика бор: колхозлардан тортиб, умуман республика бўйича ҳам олинган социалистик мажбуриятлар амалий иш билан мустаҳкамланмайди, бу мажбуриятлар кўпинча бажарилмай қолади. Давлат планларини бажаришга мас'улиятсизлик билан қараш каби ярамас ҳоллар давом этмоқда. Партия ва давлат интизомини қўпол равишда бузиш ҳоллари юз бермоқда.

Бу ҳол қишлоқ хўжалик йилининг сўнгги палласида ҳам яққол кўринмоқда. Далаларда йиғиштириб олинмаган пахта кўп бўлишига қарамай, республикада пахта териш ва тайёрлаш сур'ати кескин равишда пасайиб кетди. Тошкент областида терим ишлари йўл қўйиб бўлмайдиган даражада ёмон олиб борилмоқда. Бу областьда терим ишлари бошқа областьлардан паст сур'атлар билан давом этмоқда. Область партия комитети (секретари Ўртоқ Алимов), область ижроия комитети (раиси ўртоқ Жалилов) ҳосил йиғим-теримини тезликда тамомлаш учун барча ишчи кучлари ва модний-техника ресурсларини сафарбар қилиш учун зарур чораларни кўрмаётирлар. Наманган ва Андижон областьларида ҳам терим ишлари шундай ёмон бормоқда.

Партия ва совет активлари об-ҳаво шароити оғир келган ҳозирги пайтда ҳосил теримини тугаллаш ва бошқа тадбирларни амалга ошириш йўлидаги ишларга етакчилик қилиш ўрнига кабинетларидан ташқарига чиқмаётирлар. Пахта нобудгарчилигига қарши кураш сусайтириб юборилган.

Аппаратнинг ҳамма звеноларида давлат ва партия интизомини мустаҳкамлаш, тошширилган иш юзасидан кадрларнинг жавобгарлигини ошириш зарур.

Докладда жамоат чорвачилигини ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш масалаларига катта э'тибор берилди.

Жамоат чорвачилигини тезликда ривожлантириш партия ва давлатнинг қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасидаги кечиктириб бўлмайдиган вазифасидир. Республикада жамоат чорва моллар маҳсулдорлигини ошириш юзасидан берилган топшириқларни муваффақиятли суратда бажарган талайгина колхозлар бор. Аммо умуман олганда қишлоқ хўжалиги ишлабчиқаришининг ана шу энг муҳим тармоғи жиддий суратда кейинда қолмоқда. Республика Қишлоқ хўжалик министрлиги, Совхозлар министрлиги, «Узбексовхозкаракуль» трести, Бухоро, Самарқанд, Қашқадар'ё ва Тошкент область партия комитетлари ҳамда область ижроия комитетлари барча колхоз ва совхозларнинг чорва қишловига тайёргарлик кўришини та'минламадилар. Бунинг натижасида чорва қишловининг биринчи кунларидаёқ чорва моллларнинг нобуд бўлиш ҳоллари юз берди.

Узбекистон КП Марказий Комитети Бюроси жамоат чорвачилигини ривожлантириш планининг бажарилмай қолишига йўл қўйган министрликлар, «Узбексовхозкаракуль» трести, область ва районларнинг раҳбарларидан жавобгарликни талаб қилмади. Қишлоқ хўжалигининг ана шу энг муҳим тармоғига раҳбарлик қилишдаги камчиликларни сабот билан йўқотиш керак. Келгуси йилдаёқ колхоз ва совхозлардаги сигирларнинг асосий қисмини кўлда боқишга кўчириш керак. Шу мақсадда силос қилинадиган экинлар, серсув ем-хашак экинлар экиладиган майдонларни кенгайтириш лозим. Шу билан бирга майин жунли қўй ва эчкиларни кўпайтириш соҳасида ҳам катта иш қилиш керак.

1955 йилда дон, шоли, сабзавот, картошка, лоқ экинларини янада кўпроқ етиштириш, мамлакатга кўпроқ пилла, мева, узум етказиб бериш керак. Бу ишларнинг ҳаммаси қишлоқда маданий-маиший биноларни кўпроқ қуриш билан кўшиб олиб борилиши лозим.

Қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилишдаги жиддий камчилик ва хатоларнинг рўй беришига даставвал сабаб шуки, Узбекистон КП Марказий Комитети Бюроси, кўпгина область ва район партия комитетлари партия ташкилотларининг фаолиятини яхшилашни та'минламадилар. КПСС Марказий Комитети сентябрь Пленумининг партия ташкилотлари кенг колхозчилар оммасига, МТС ва совхоз ишчиларига етакчилик қилганларидагина қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш вазифаларини муваффақиятли суратда ҳал этиш мумкинлиги тўғрисида берган кўрсатмаларидан зарур хулосаларни чиқариб олмадилар. Кўпгина районларда оммавий-сиёсий иш паст савияда олиб борилмоқда.

Маҳаллий партия ва совет ташкилотлари колхозларни ташкилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш масалалари билан яхши шуғулланмаётирлар, қишлоқ хўжалик артели Уставини бузучиларга, жамоат бойлигини талон-торож қилиш каби ярамас ҳолларга муросасизлик билан қарамоқдалар.

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлиги оператив иш олиб бормаётир, бу министрликда машина-трактор станцияларни материал-техника билан та'минлаш масалалари ўз вақтида ҳал этилмаётир. Сув хўжалиги министрлиги ўз вазифаларини ёмон бажармоқда. Министр Ўртоқ Алимов ва унинг ўринбосарлари иш вақтининг кўп қисмини ҳархил қарор проектларини тузишга сарф қилмоқдалар, сув хўжалиг қурилиш планлари эса бажарилмаётир, суғориш системаларини эксплуатация қилиш устидан контрольлик йўқ.

Ўртоқ Ниёзов докладининг эҳирида 1955 йилда суғориладиган ерларнинг ҳар гектаридан — колхозларда 24 центнердан ва совхозларда 28 центнердан пахта етиштириб давлатга топширишдан иборат социалистик мажбуриятни бажариш соҳасидаги вазифаларга тўхталиб ўтади.

Олдимизга қўйилган вазифаларнинг ҳаммасини муваффақиятли бажариш учун қишлоқ хўжалигига раҳбарлик қилиш соҳасидаги камчиликларни сабот ва қат'ият билан йўқотиш, партия, совет ва хўжалик ташкилотларининг иш услуби ва методларини доимо яхшилаш ва такомиллаштира бориш, партиявий-ташкилий ва партиявий-сиёсий ишларни юксак даражага кўтариш зарур.

Пахтачиликни янада ривожлантириш масалалари юзасидан ўтказилган кенгашда қўйилган вазифалар пленум қатнашчиларинги диққат марказида турди. Колхоз, совхоз, МТС ва саноат корхоналарининг меҳнаткашлари ана шу кенгаш қатнашчиларининг Мурожаатини қизғин ма'куллаб қўллаб-қувватлагандиклари кўрсатилди. Колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторлар ана шу муҳим хужжатни муҳокама қилиб, пахта етиштириш соҳасидаги фан ютуқларини, илғор иш тажрибаларини ва янги, прогрессив усулларни колхоз ва совхоз ишлабчиқаришига кенг жорий қилиш, колхоз, совхоз, МТСларда меҳнатни яхши ташкиллаштириш ва иш унумини ошириш тадбирларини белгиламоқдалар.

Шу билан бирга сўзга чиққан ўртоқлар яқин 10—15 кун ичида бу йилги пахта ҳосилини батамом йиғиштириб олиш, 1955 йил кўклам экишига тайёргарликни қизғин ўтказиш ҳақида ҳам гапирдилар.

Сўзга чиққан ўртоқлар партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг пахтачиликка, қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларига раҳбарлик қилиш услуб ва методларини яхшилаш билан боғлиқ бўлган муҳим масалаларни кўтардилар. Узбекистон КП Марказий Комитети Бюроси ва аппаратининг, Узбекистон ССР Министрлар Советининг, министрликлар, область, район партия ва совет органларининг ишидаги хато ҳамда камчиликлар қаттиқ танқид қилинди.

Қишлоқ хўжалик ишлабчиқаришининг барча соҳаларида илғор иш тажрибаларини пропаганда қилишни тубдан яхшилаш муҳим эканлигга кўрсатилди. Деҳқончилик маданиятини юксалтириш масалаларига катта э'тибор берилди. Узбекистон КП Марказий Комитетининг Бюроси ва Узбекистон ССР Министрлар Совети алмашлаб экишни жорий қилиш тўғрисида кўп қарор қабул қилгандар. Лекин шундай бўлса ҳам, бу соҳада катта ўзгариш кўринмади. Беда экиш плани йил сайин бажарилмай қолмоқда, бундай ярамас ҳолнинг юз беришида айбли бўлган кишилар жавобгарликка тортилмаётир. Область ва районларда белгиланган миқдорда беда экилмагани ва бедапоялар бузиб, ҳайдаб юборилгани ҳолда шу ерлар ҳисобидан қўшимча равишда чигит экиш планларини тузишдан иборат кўл қўйиб бўлмайдиган практика кўп жойларда учраб туради.

Қишлоқ хўжалик органлари агротехника тадбирларини ўтказишга шаблон раҳбарлик қилиш методидан воз кечмаганлар. Қишлоқ хўжалик министрлиги ва министр Ўртоқ Муҳаммаджонов пахта экишдаги янги, прогрессив усулларни жорий қилишда уюқсоқлик ва сабот-матонат билан иш кўрмадилар. Бу министрлик ходимлари новаторларнинг ижодида вужудга келган қарқандай янгиликка ишончсизлик билан қараб келдилар.

Фарғона область партия комитетининг секретари Ўртоқ Қамбаров бундай деди:

— Узбекистон ССР Қишлоқ хўжалик министрлигининг бош агрономи Ўртоқ Ржевский қатор ораларини торайтириб экиш усулига қарши чиқмоқда. Ўртоқ Ржевский «Узбекистон социалистик қишлоқ хўжалиги» журналида босилган мақоласида «ҳар гектар ердаги ғўза тупларини юз мингача кўпайтириш ижобий натижа бермайди, қатор ораларини торайтириб чигит экиш ҳақида бундан буён тавсия бериш турмуш талабларига хилофдир, шу сабабдан бундай тавсия социалистик қишлоқ хўжалигига мақбул эмас», деб да'во қилди. Министрлик ходимларининг илм-фанга зид ва зарарли бўлган ана шундай да'воларга қат'ий зарба бермаганликлари бизни таажжубландиради.

Пленумда Қишлоқ хўжалик министрининг ўринбосари Ўртоқ Волков янги техникани жорий қилишга халақит берганлиги, торайтирилган қатор ораларини ишлаш учун трактор ва машиналарни шунга мослаб ўз вақтида қайта ускуналашни та'мин этмаганлиги ҳақида ҳам гапирилди.

Сўзга чиққан ўртоқлар илмий-текшириш институтларининг раҳбарлари ва ходимлари ишлабчиқаришдан ажралиб қолганликлари, колхоз, совхоз ва МТСларга онда-сондагина боравётганликлари ҳақида ва бу институтларнинг ишларини жиддий суратда қайта қуриш зарурлиги ҳақида гапирдилар. СоюзНИХИ на унинг директори Ўртоқ Мальцевнинг, шунингдек даврини кечириб бўлган эски нарсаларга ёпишиб олган бошқа ба'зи илмий ходимларнинг янги, прогрессив нарсаларга консерваторларча муносабатда бўлаётганликлари пахтачиликни ривожлантиришга катта зарар етказди.

Узбекистон КП Марказий Комитети Бюроси пахтачилик фани ва техникасини ривожлантириш тўғрисида, илғор иш тажрибаларини қўллаш ҳақида бирқанча қарор қабул қилгани ҳолда бу масалани принципиал юксакликкa кўтармади, консерватизм, қолоқлик ва жаҳолатга гирифтор бўлиб қолган конкрет айбдорларни фош қилмади. Кўпгина партия комитетлари, жумладан Тошкент шаҳар партия комитети илмий-текшириш муассасалари ва улардаги партия ташкилотларининг ишларига системали суратда э'тибор бермаётирлар. Вазифа — барча илмий-текшириш институтларини энг қимматли фазилатларга — янгилик, илғорликни сезиш фазилатига эга бўлган, пухта тайёргарлик кўрган кадрлар билан мустаҳкамлашдан иборат.

Пленумда пахтачиликни ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларини ривожлантириш ишларини планлаштиришда мустаҳкам тартиб ўрнатишга катта э'тибор берилди.

— Республикада,—деди Наманган область партия комитетининг секретари Ўртоқ Нуриддинов, — қишлоқ хўжалик экинларини жойлаштиришни планлаштиришга йўл қўйилган қўпол хатолар ҳали тугатилган эмас. Асосий э'тибор пахта майдонларини пала-партиш кенгайтиришгагина қаратилади, пахта ҳосилини кўпайтириш, беда хўжалигини ривожлантириш масалалари эсдан чиқариб қўйилади. Ердан фойдаланишда учёт ва ҳисобот ишлари

Совет ёзучиларининг Бутуниттифоқ II с'езди очилди

(БОШИ БИРИНЧИ БЕТДА)

Ольга Форш айтдики, совет адабиёти тинчлик учун, халқлар дўстлиги учун оташин курашчидир. Империализмнинг қора кучлари янги қонли уруш бошлаш ниятида кейинги вақтларда бирлашишга интилмоқдалар, биз ўз иродамизни, ёрқин келажакка ишончи кишиларнинг кучини уларнинг ёвуз ниятларига қарши қилиб қўйишимиз лозим. Бу ишда бизнинг адабиётимиз катта роль ўйнаши лозим. Жаҳоннинг бутун прогрессив адабиёти биз билан биргадир. Унинг кўпгина энг яхши намояндалари с'ездимизга меҳмон бўлиб келдилар. Ольга Форш четэлларидан келган дўстларни совет ёзучилари номидан самимият билан қутлайди.

Ольга Форш делегациялар оқсоқолларининг топшириги билан ёзучиларнинг Бутуниттифоқ Иккинчи с'ездини очиқ деб э'лон қилади ва раислик қилишни К. Фединга топширади.

Украин ёзучиси Олесь Гончарга сўз берилади. У, Украина, Ленинград, Узбекистон, Грузия, Эстония, Бурят—Мўғулистон делегациялари номидан с'езд президиумини 65 кишидан иборат қилиб сайлашни таклиф қилади. Президиум бир овоздан қуйидаги составда сайланади:

И. Абашидзе, Г. Александров, (СССР Маданият министри), П. Антокольский, М. Ауэзов, М. Бажан, Г. Баширов, П. Бровка, В. Василевская, А. Венцлова, С. Вургун, В. Виноградов (академик), Р. Гамзатов, С. Герасимов, Ф. Гладков, Ш. Дадиани, В. Ермилов, Н. Зарьян, С. Зорян, К. Зубов (СССР халқ артисти), Т. Зуева (РСФСР Маданият министри). М. Ибрагимов, М. Исаковский, И. Каиров (РСФСР Маориф министри), В. Катаев, А. Қаҳҳор, Б. Кербобоев, А. Корнейчук, К. Крапива, Я. Колас, В. Лацис, А. Лохути, Л. Леонов, Ю. Либединский, А. Лупан, С. Маршак, Г. Мустафин, А. Несмеянов (СССР Фанлар академияси президенти), Г. Николаева, В. Овечкин, В. Панова, И. Погодин, Б. Полевой, Д. Поликарпов (КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари) А. Прокофьев, Я. Ругоев, М. Рильский, А. Румянцев (КПСС Марказий Комитетининг бўлим мудири), Б. Рюриков, К. Симонов, А. Сурков, А. Тарасова (СССР халқ артисти), А. Твардовский, Н. Тихонов, А. Токомбоев, М. Турсунзода, П. Тичина, А. Фадеев, К. Федин, О. Форш, Т. Хренников (Совет композиторлари союзининг бош секретари), А. Шелепин (ВЛКСМ Марказий Комитетининг секретари), Д. Шепилов («Правда» газетасининг бош редактори), Ю. Шмуул, М. Шолохов, И. Эренбург.

Белоруссия, Москва, Литва, Тожикистон ва Бошқирдистон делегациялари номидан белорус ёзучиси Петрусь Бровка с'езд фахрий президиумини КПСС Марказий Комитети Президиумининг а'золари — Н. А. Булганин, К. Е. Ворошилов, Л. М. Каганович, Г. М. Маленков, А.И. Микоян, В. М. Молотов, М. Г. Первухин, М. З. Сабуров, Н. С. Хрушчев ўртоқлардан иборат қилиб сайлашни таклиф этади. Бу таклиф гулдурос олқишлар билан қутиб олинади, ҳамма ўрнидан туради.

С'езднинг иш органлари: секретариат, мандат ва таҳрир комиссиялари, шунингдек СССР Совет ёзучилари союзи Устави проекти бўйича таҳрир комиссияси сайланади.

С'езд қуйидаги кун тартибини тасдиқлайди:

1. «Совет адабиётининг аҳволи ва вазифалари» ҳақида доклад (А. Сурков).

Қўшимча докладлар:

а) «Совет бадиий прозаси» (К. Симонов),

б) «Совет поэзияси» (С. Вургун),

в) «Совет драматургияси» (А. Корнейчук),

г) «Совет кинодраматургияси» (С. Герасимов),

д) «Болалар ва ёшлар учун совет адабиёти» (Б. Полевой),

е) «Совет адабий танқидчилигининг асосий проблемалари» (Б. Рюриков)

ж) «СССР халқлари адабиётларининг бадиий таржималари» (П. Антокольский, М. Ауэзов, М. Рильский).

2. «Жаҳонининг ҳозирги замон прогрессив адабиёти» ҳақида доклад (Н. Тихонов);

3. СССР Совет ёзучилари союзи ревизия комиссиясининг доклади (Ю. Либединский);

4. Совет ёзучилари союзи правлениеси комиссиясининг «Совет ёзучилари союзи Уставига киритиладиган ўзгартишлар тўғрисида» ахбороти. (Л. Леонов);

5. СССР Совет ёзучилари союзининг раҳбар органларини сайлаш.

Раислик қилучи КПСС Марказий Комитетининг ёзучиларнинг Бутуниттифоқ Иккинчи с'ездига табриги текстини ўқиб бермоқ учун КПСС Марказий Комитети секретари ўртоқ П. Н. Поспеловга сўз беради. С'езд қатнашчилари ўртоқ П. Н. Поспеловни давомли олқишлар билан қутиб оладилар. С'ездагилар ҳаммаси табрик сўзларини жуда катта э'тибор бериб тинглайдилар, табрик ўқилаётган вақтда уни неча қайталаб қизғин олқишлар билан бўлиб турдилар.

С'езд ўз кун тартибининг биринчи моддасига ўтади. Совет адабиётининг аҳволи ва вазифалари тўғрисида доклад қилмоқ учун сўз А. Сурковга берилади. (ТАСС).

СССР ҳунармандчилик кооперацияси вакилларининг иккинчи с'езди

14 декабрьда Кремльда СССР ҳунармандчилик кооперацияси вакилларининг иккинчи с'езди очилди. Москвага республикалар, ўлка ва областьлар ҳунармандчилик кооперацияси кенгашларидиг раислари, союзлар ва ҳунармандчилик артеллари правлениеларининг раислари, ишлаб чиқариш новаторлари, бадиий ҳунармандчилик устаси тўпландилар.

С'езд қуйидаги кун тартибини тасдиқлади: 1. СССР ҳунармандчилик кооперацияси Марказий Кенгаши Правлениесининг 1951—1954 йиллардаги иши тўғрисида ҳисобот доклади; 2. СССР ҳунармандчилик кооперацияси Марказий Кенгаши ревизия комиссиясининг ҳисобот доклади; 3. Центропромсоветнинг раҳбар ва контроль органларини сайлаш.

Делегатлар КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг СССР ҳунармандчилик кооперацияси вакилларининг иккинчи с'ездига юборган табригини қизғин қутиб оладилар. Табрикни СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ўртоқ А. Н. Косигин ўқиб эшитдиради.

Биринчи масала юзасидан СССР ҳунармандчилик кооперацияси Марказий Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ А. Е. Петрушев доклад қилди.

Ҳозирги вақтда, дейди у, ҳунармандчилик кооперацияси 15 мингдан ортиқ артельларни бирлаштирмоқда. Кооперация ташкилотларида ва корхоналарда икки миллиондан кўпроқ киши ишламоқда. Биргина шу йилнинг ўзида ҳунармандчилик кооперацияси 55 миллиард сўмлик саноат маҳсулоти, шу жумладан 47 миллиард сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқариши лозим. Яъни маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан давлат плани шу йилнинг ўнбир ойи ичида 105 процент бажарилди. Савдо ташкилотларига мол етказиб бериш 1950 йилдагига нисбатан қарийб икки баравар кўпаяди.

Ҳунармандчилик кооперацияси кейинги йилларда кўпгина янги машиналар ва ҳархил ускуналар олди. Металл ишлайдиган 54 та йирик корхона қурилди ва реконструкция қилинди, тўртта металлопрокат заводи ишга туширилди. Йигириш фабрикаларининг қуввати 1,7 баравар ошди. Янги мебель фабрикалари, газлама, пойафзал ва кийим-кечак ишлаб чиқарадиган корхоналар, қишлоқ хўжалик эҳтиёжлари учун буюмлар ишлаб чиқарадиган мастерскойлар очилди,

Ҳунармандчилик кооперацияси корхоналари учун юқори малакали кадрлар тайёрланмоқда: Центропромсоветнинг қиртқи бўлимга эга бўлган Олий мактаби ташкил қилинди, 33 та техникум ишлаб турибди. Яқин ўртада ўқув юртларининг сони янада кўпаяди,

Докладчи ишлабчиқаришнинг айрим тармоқлари аҳволини анализ қилиб, уларнинг исте'молчилар томонидан қўйилаётган талабларидан ҳали ҳам бўлса орқада қолаётганликларини кўрсатади. Ҳунармандчилик кооперацияси мамлакатда ишлаб чиқариладиган бутун мебель, устки трикотаж буюмлар, пиймаларнинг учдан бир қисмидан кўпроғини, чўян, эмальли ва алюминий идишларнинг, ўйинчоқларнинг эллик процентидан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Лекин бу молларни ишлаб чиқариш даражаси ҳали етарли эмас.

Планнинг белгиланган ассортиментда бажарилмаётганлиги, молларнинг янги турлари ишлабчиқаришга кам жорий этилаётганлиги катта камчиликдир.

Докладда колхоз ва совхозлар, қишлоқ аҳолиси учун зарур бўлган бинокорлик материаллари ва хўжалик буюмлари ишлаб чиқаришга алоҳида ўрин берилади. Бу маҳсулотни ишлаб чиқаришни кескин суратда кўпайтириш ҳунармандчилик кооперацияси ходимларининг шарафли ишидир.

Докладчи молларнинг сифатини яхшилаш ва турларини кўпайтириш зарурлиги тўғрисида гапиради. У паст сифатли маҳсулот ишлаб чиқараётган бирқанча кооператив ташкилотларни танқид қилади. Ба'зи корхоналар шуқалар ёмон молхар ишлаб чиқармоқдаларки, савдо шохобчалари бу молларни қабул қилишдан бош тортмоқда. Исте'молчилар Грузия, Қирғизистон, Туркманистон, Тожикистон иттифоқчи республикаларидаги тикучилик артельларининг маҳсулотларига жиддий э'тироз билдирмоқдалар. Хотин-қизлар ва болалар учун қаштали ва яхши безакли кийим-кечаклар жуда кам ишлаб чиқарилмоқда. Буюмлар сифатини қат'ий равишда яхшилаш, уларнинг сифатини давлат стандартлари даражасига етказиш вазифаси туради.

Докладда бадиий ҳунармандчиликни ривожлантиришга катта ўрин берилди. Артельларда ажойиб халқ усталари оз эмас, уларнинг таланти ва маҳорати совет кишиларининг миллий ифтихоридир. Моҳир наққошлар, гилам тўқучилар, қаштачилар, суяк, ёғоч ва тошга ўйиб нақш солучилар ҳамда амалий сан'атнинг бошқа турлари усталари мамлакатимиздан ташқарида ҳам жуда машҳурдирлар. Улар Пекин, Деҳли, Милан, Лион, Копенгаген, Жакарта, Лейпциг ва Венадаги халқаро виставкаларда жуда катта муваффақият қозондилар. Докладчи бадиий сан'ат усталарининг фаолияти учун янада қулайроқ шароит яратиб бериш зарурлигини та'кидлади.

Аҳолининг маиший эҳтиёжларини қондириш — ҳунармандчилик кооперациясининг энг муҳим вазифасидир. Кейинги вақтларда ремонт-маиший хизмат кўрсатиш корхоналарининг сони 5,5 мингга кўпайди. Лекин шунга қарамай, хизмат кўрсатиш ва бажарилаётган ишларнинг сифати аҳолининг ўсган талабларига кўп ҳоллларда жавоб бермайди. Бу нарса айниқса қўрқ ва бўз ерлар ўзлаштирилаётган районларга тааллуқлидир.

Ҳунармандчилик кооперациясининг амалий ишларида, дейди докладчи, исрофгарчиликка, кооператив маблағларининг талон-торож қилинишига чидаб келиш ҳоллари ҳали оз эмас. Растраталарга ва ўғирликларга хотима бериш зарур.

Кооперация ташкилотларини бошқаришга ва уларнинг ишини контроль қилишга артель а'золарини кенг равишда жалб этиш ҳунармандчилик кооперациясининг барча звеноларида ишнинг янада яхшиланишига хизмат қилиши лозим. Идора аппаратидаги ортиқча харажатларга қарши қат'ий кураш олиб бориш керак. Социалистик мусобақа, давлат саноати ва кооперация корхоналари новаторларининг илғор тажрибасини жорий қилиш бутун иш негизига қўйилиши лозим.

Шундан кейин ҳунармандчилик кооперацияси Марказий Кенгаши ревизия комиссиясининг раиси ўртоқ А. П. Смирнова доклад қилди.

Ревизия комиссиясининг докладидан кейин с'езд делегатларининг музокаралари бошланди.

С'езд ишида КПСС Марказий Комитетининг секретари ўртоқ Н. Н. Шаталин, СССР Министрлар Совети Раисининг Ўринбосари ўртоқ А. Н. Косигин қатнашмоқдалар.

* * *

Бундан илгари хабар қилинганича, 14 декабрьда ревизия комиссиясининг докладидан кейин с'езд делегатларининг музокаралари бошланди.

РСФСР ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси С. К. Ламакинга сўз берилади. У республика ҳунармандчилик кооперацияси корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш кейинги тўрт йил ичида 75 процент кўпайганлигини айтади. Бундай ўсиш сур'ати саноат ишлабчиқаришининг даражаси ва яъни маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан бешинчи бешйиллик план топшириғини шу йилнинг ўзидаёқ бажаришга имкон берди.

Бизнинг артельларимиз, дейди ўртоқ Ламакин, ҳозирги вақтда Россия Федерациясида ишлаб чиқарилаётган барча кийим-кечак буюмларнинг 30 процентини, трикотажнинг 40 процентини ва бутун мебельнинг ярмидан кўпроғини ишлаб чиқармоқдалар.

Сўнгра ўртоқ Ламакин ўз хомаш'ё ресурсларидан кенг фойдаланишнинг роят катта аҳамиятга эга эканлиги ҳақида гапиради. Бу жиҳатдан республикада анча иш қилинди. РСФСР ҳунармандчилик кооперацияси ўз хомаш'ё базасининг ҳажми бу йил 1950 йилдагига нисбатан қарийб уч баравар ўсди. Нотиқ маҳаллий хомаш'ё ресурсларини планлаштириш ва уларни рационал тақсимлашга доир бирқанча конкрет таклифларни киритди.

Қирғизистон ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ Г. Тугелбаев сўзга чиқади. У мамлакатнинг ҳунармандчилик кооперацияси системасидаги илғор корхоналар тажрибасини ёйишнинг муҳимлигини та'кидлаб, Центропромсоветни бу муҳим ишга етарлик э'тибор бермаганлиги учун танқид қилади.

Ўртоқ Тугелбаев Центропромсоветнинг маҳаллий ташкилотларга раҳбарлик қилишда бюрократик методларни қўллаётганлигини кўрсатучи фактлар келтиради. Центропромсовет маҳаллий ташкилотлар билан жонли алоқа боғлаш ўрнига жуда кўп қарорлар ва директивалар юборади. Масалан, 1954 йилнинг 11 ойи ичида Қирғизистон ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Центропромсоветдан 1.307 бетлик 158 та қарор ҳамда 1.080 та ҳархил хат, телеграмма ва кўрсатмалар олди.

Свердловск шаҳар ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ П. П. Калиниченко минбарга чиқади. У ўз нутқини ҳунармандчилик кооперацияси ходимларининг илмий-текшириш муассасалари билан ҳамкорлиги тўғрисидаги масалага бағишлайди. Фанлар академиясининг Урал филиали корхоналарни ихтисослаштиришга ва маҳаллий хомаш'ё манба'ларини ишлаб чиқишга бағишланган махсус кенгаш ўтказди. Шаҳарда ҳунармандчилик артельларининг илғор тажрибасини ўрганиш юзасидан семинарлар ва мактаблар ташкил қилинди. Штамповкачилар ва рухловчилар Лисьвин заводида идиш ишлаб чиқариш технологиясини ўргандилар. Бу тадбирлар кенг иste'мол моллларини ишлаб чиқаришни яхшилашга ёрдам берди.

Акмолинск область ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ Н. В. Иванов қўрқ ва бўз ерларга кўчиб келган кишиларни моллар билан та'минлашда ҳунармандчилик артельларининг иштироки тўғрисида гапириб берди.

С'езднинг биринчи кунида Эстония ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ Менков ва Тюмень область ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ Ганчо ҳам сўзга чиқдилар.

* * *

15 декабрьда Кремльда СССР ҳунармандчилик кооперацияси вакилларининг иккинчи с'езди ўз ишини давом этдирди.

Сталино область ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ Я. Т. Нихтиенко биринчи бўлиб сўз олди. У яқин икки йил мобайнида областьда листопрокат заводи ва иккита гишт заводи, идиш-товоқ, белил мебель, трикотаж ишлаб чиқарадиган корхоналар ва макарон фабрикаси қуриш мўлжалланганлигини айтди. Областьда маиший хизмат кўрсатучи 1.300 дан ортиқ мастерскойлар ишлаётир. Шахтёрлар посёлкаларида — Дзержинскда, «Азовсталь»да, Артемовск ва бошқа жойларда янги комбинатлар ва павильонлар очилди.

«Лесопродукт» артелининг раиси ўртоқ А. Ф. Эльман (Эстония) ўз сўзида артельларни хомаш'ё билан узлуксиз та'минлаш зарурлиги ҳақида гапирди. Республикада артельлар учун ишлабчиқариш бинолари қуриш ишлари жуда сует олиб борилмоқда.

Бу йил Могилев областидаги артельларнинг кўп қисми, дейди область ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ А. И. Кисляков, маҳнат унумини ошириш, маҳсулотнинг таннархини камайтириш ва жамғармалар бўйича топшириқни ошириб бажарди. Гишт, торф ва эгар-жабдуқ кизги ишлаб чиқариш юзасидан план бажарилди. Воронежли новатор П. Дувановнинг иш методларини ишлабчиқаришга жорий қилиш гишт ишлаб чиқаришни кўпайтиришга ёрдам берди.

С'ездда Иваново область ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ В. П. Корягин ҳунармандчилик кооперацияси уставини бузиш фактлари ҳақида гапирди. Ҳунармандчилик кооперацияси кенгаши йилига камида бир марта мажлис ўтказиши лозим бўлишига қарамай, икки йил давомида унинг мажлиси чақирилгани йўқ. Ҳунармандчилик кооперацияси Марказий Кенгаши вакилларининг биринчи с'ездида қилинган танқидлардан зарур хулосаларни чиқармаган.

Идора аппаратини сақлаш учун қилинадиган харажатларни камайтириш муҳим аҳамиятга эга. «Свой труд» артели правлениесининг раиси ўртоқ Т. Алавутдинов (Ўзбекистон ССР) ҳунармандчилик кооперациясини Ўзбекистон инвалидлар кооперацияси билан бирлаштириш натижасида идора харажатлари йилига 3,5 миллион сўм камаяжагини айтди. Ўртоқ Алавутдинов инвалидлар артельларини ташқилий-хўжалик жиҳатидан мустаҳкамлаш тадбирларини ишлаб чиқиш, янги цехлар ташкил қилиб, уларни инвалидларнинг меҳнатини енгиллаштирадиган механизмлар ва ускуналар билан та'миналашни таклиф этади.

Делегатлар Москва бадиий ҳунармандчилик корхоналари ҳунармандчилик союзининг раиси ўртоқ К. П. Аверьянованинг сўзини зўр қизиқиш билан тингладилар. У ўйинчоқлар ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш масалаларига алоҳида э'тибор берди.

— Шаҳар бадиий союзининг артельлари, — деди у, — йил сайин 70 миллион сўмликдан ортиқ ўйинчоқлар ишлаб чиқармоқдалар. Лекин шуни э'тироф этиш керакки, ўйинчоқлар ассортименти ҳали ҳам кам бўлиб келаётир. Бизга рассомлар ва педагоглар ёрдам беришлари керак.

1955 йилда Москвада болалар учун катта универсал-магазин очилади. Пойтахтдаги бадиий буюмлар ишлаб чиқаручи артельлар болалар учун янада кўпроқ моллар ишлаб чиқарилишига эришишлари лозим.

Қозоғистон ССР ҳунармандчилик кооперацияси Кенгашининг раиси ўртоқ А. Иржанов ўз сўзини қўрқ ерлар ўзлаштирилаётган районларда яшовчи аҳолига маиший хизмат кўрсатиш ва уларни моллар билан та'минлаш масалаларига бағишлади. Республика артельлари маҳсулот ишлаб чиқаришни кейинги тўрт йил ичида 74,4 процент кўпайтирдилар. Лекин бу ўсиш етарли эмас.

— Қишлоқ аҳолисининг талабларини қондириш лозим бўлган ҳунармандчилик артельларининг ишини янада кескин суратда юксалтириш зарур, — дейди ўртоқ Иржанов, — Яқин вақт ичида қишлоқ районларида мебель, кровать ишлаб чиқарадиган, гилам тўқийдиган янги корхоналар, бешта тикучилик фабрикаси, сирланган идиш-товоқлар заводи, маиший хизмат кўрсатадиган 50 та комбинат ва 178 та мастерской қуришга қарор қилинди. Шаҳар ва қишлоқ қурилиши министрлиги янги посёлкалар қурилганда маиший хизмат кўрсатиш мастерскойлари учун биноялар қурилишини ҳам кўзда тутиши лозим.

Крупская номли артель правлениесининг раиси ўртоқ А. К. Лоза (Украина ССР) аҳоли ўртасида чиройли кашта тикилган буюмларга, гилам ва бошқа бадиий буюмларга талаб ўсаётганлиги ҳақида гапиради.

Кооперация страхованиеси Бутуниттифоқ Кенгаши Правлениесининг раиси ўртоқ Я. А. Серов ҳунармандчилик артельлари а'золарини моддий жиҳатдан та'миналаш ва уларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш тўғрисида сўзлади. Ҳунармандчилик кооперацияси ходимлари ўз санаторияларига, дам олиш уйларига, соғайтириш, болалар муассасаларига эгадирлар. Артель а'золари ўртасида кооператив страхованиеси харажатлари йил сайин кўпаймоқда. Масалан бу йил шундай харажатлар бир миллиард сўмдан ортиқ бўлди.

Ленинград область ҳунармандчилик кооперацияси Кенгашининг раиси ўртоқ Г. Е. Вдовин область ҳунармандчилик артельлари бу йил буюмларнинг қарийб 200 та янги хилларини ишлаб чиқаришни ўзлаштирилганлигини айтди.

Молдавиядаги XVIII партс'езд номли артель раҳбари ўртоқ А. С. Гулпарьга сўз берилади. У колхозчиларнинг сотиб олинадиган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш тажрибаси билан ўртоқлашди.

Центросоюз правлениеси раисининг ўринбосари ўртоқ Галкин бу йил ҳунармандчилик кооперацияси аҳолига сотиш учун Центросоюзга ўн миллиард сўмликдан ортиқ кенг исте'мол моллари етказиб бериши лозим эканлигини айтди. Лекин, мол ишлаб чиқаришнинг кўпайтирилганлигига қарамай, уларнинг ассортименти харидорларни қондираолмайди. Нотиқ кўпгина артельлар ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш юзасидан планни бажаришга ҳаракат қилиб, бозорларни ғичалик талаб этилмайдиган моллар билан тўлдириб юборяётганликларини кўрсатадиган фактларни келтиради.

Арава ва эгар-жабдуқ буюмлари кам ишлаб чиқарилмоқда. Бу буюмларга бўлган талаб эса, масалан Қозоғистонда фақат 30 процент, Грузияда 23 процент, Озарбайжонда эса 18 процент қондирилаётир, холос. Центросоюз Белоруссиядан Ўрта Осиёга аравалар юборишга мажбур бўлмоқда. Бошқа кўпгина мол турлари, шу жумладан бинокорлик материалларини ҳам шу хилда қимматга тушириб ташишга тўғри келади. Ўртоқ А. И. Галкин бундай камчиликларни бартараф қилишга қаратилган бирқанча конкрет таклифлар киритди.

Музокараларда Херсон шаҳридаги «Комсомолка» артели правлениесининг раиси ўртоқ Т. Ф. Запорожец, Карел-Фин ССР ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси В. П. Рижачов, Латвия ССР ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси К. Л. Шиц Туркманистон ССР ҳунармандчилик кооперацияси Кенгаши Правлениесининг раиси А. Ортиқов ва бошқалар ҳам сўзга чиқдилар.

15 декабрьда с'езда мандат комиссиясининг доклади тингланди.

Делегатлар Хитой ҳунармандчилик кооперацияси ходимларининг ҳозирги вақтда Пекинда бўлаётган тўртинчи Умумхитой кенгашидан олинган табрик телеграммасини самимий қутиб олдилар.

С'езд ҳунармандчилик кооперацияси ходимларининг тўртинчи Умумхитой кенгашига якдиллик билан жавоб телеграммаси қабул қилди.

С'езднинг иши давом этмоқда.

(ТАСС).

СССР Ташқи Ишлар Министрлигининг Баёноти

1954 йил 2 декабрьда Вашингтонда Америка Қўшма Штатлари билан Тайвань ороли ва ишириган Чан Кай-ши тўдаси ўртасида «Ўзаро хавфсизлик ҳақида шартнома» деб аталган шартнома имзоланди.

АҚШ давлат секретари Даллес бу битимнинг агрессив характерини очиб ташлади, у бундай деди: «Мен ишонаманки, мудофаа ҳақидаги бу шартноманинг имзоланиши Қўшма Штатларининг Формозани ва Пескадор ороллариии коммунистлар контроли остига топшириб қўйишга бирор тарзда роси бўлиши ҳақидаги ҳарқандай овозаларга ва хабарларга узил-кесил хотима беради».

Мазкур агрессив шартноманинг текстидан ва Даллес жаноблариниг баёнотидан кўриниб турибдики, АҚШ Тайваньни ва Пэнхуледао ороллариии (Пескадор ороллариии) Хитойдан ажратиб олишни ҳамда Хитойнинг бу миллий территориялари устидан ўз ҳукмронлитини ўрнатишни мақсад қилиб қўяди.

АҚШ томонидан қилинган бу иш Америка Қўшма Штатларининг халқаро битимларда ўз зиммасига олган мажбуриятларни қўпол равишда бузишдан иборатдир, чунки бу халқаро битимларда азалдан Хитой территорияси бўлиб келган бу ерларга Хитойнинг қонуний ҳуқуқлари борлиги та'кидланган.

Ма'лумки, Америка Қўшма Штатлари билан Англия ҳам имзолаган 1943 йилги Қоҳира декларациясида таантанали суратда айтиладики, «Япония хитойлардан тортиб олган ҳамма территориялар, масалан, Маньчжурия, Формоза ва Пескадор ороллари» Хитойга қайтариб берилади. 1945 йилги Потсдам декларациясида бу қарор та'кидланди. Потсдам декларациясини АҚШ, шунингдек Англия ҳам имзолаган эди. Япония таслим бўлганидан кейин Тайвань ва Пэнхуледао ороллари қит'адаги Хитойга қўшилган эди.

Кейинчалик АҚШ ҳукумати, мазкур территорияларга нисбатан АҚШнинг агрессив ниятлари йўқ, деб бирнеча марта билдирди. Жумладан, президент Трумэннинг Формоза ҳақида 1950 йил 5 январьда чиқарган баёнотида бундай дейилади: «Қўшма Штатларда Формозага ёки Хитойнинг бошқа бирор территориясига нисбатан ҳеч қандай ёвуз ниятлар йўқ. АҚШ Формозада алоҳида ҳуқуқлар ёки имтиёзлар олишни ёки унда ҳарбий базалар ташкил қилишни асло истамайди... АҚШнинг ҳозирги аҳволга аралашиш учун ўз роли кучларидан фойдаланиш ниятлари ҳам сра йўқ... АҚШ ҳукумати Формозадаги хитой қўшинларига ҳарбий ёрдам ёки консультация бермайди».

Бироқ, АҚШ ҳукумати 1950 йил июньда Кореялаги урушни чиқариш билан бир вақтда, Тайваньга ўз қўшинларини юборишга ҳақида буйруқ берди ва аслда Хитой Халқ Республикаси территориясининг бу қисмини ҳозирги вақтгача оккупация қилиб турипти.

2 декабрьда АҚШ билан Чан Кай-ши тўдаси ўртасида тузилган агрессив шартнома АҚШ қуролли кучларининг Тайваньда ва Пэнхуледао ороллариде ҳарбийқонуний равишда туришлари учун ҳамда Қўшма Штатларнинг бу территорияларни оккупация қилишини давом этдириш учун баҳона топишни мақсад қилиб қўяди.

АҚШ ҳукуматининг Тайваньдаги чанкайшичилар тўдаси билан шартнома тузганлиги Хитой Халқ Республикасининг суверенитетини ва территориал бутунлигини қўпол равишда бузади ҳамда шу билан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Уставини бузади, чунки бу Уставда (2-нчи моддининг 4-нчи банди) «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳамма а'золари ўзларининг халқаро муносабатларида куч билан дўқ қилишдан ёки бу кучни ҳарбир давлатнинг территориал дахлсизлигига, ёхуд сиёсий мустақиллигига қарши ишлатишдан, шунингдек Бирлашган Миллатларнинг Мақсадларига тўғри келмайдиган бошқа бирор тарзда бу кучдан фойдаланишдан тийиладилар» дейилади.

Модомики, Тайвань азалдан Хитойнинг ўз территорияси экан, Тайванни озод қилиш вазифаси, албатта, Хитойнинг ички ишидир, хитой халқининг суверен ҳуқуқидир. Агар АҚШнинг қуролли кучлари аралашмаган бўлса эди, Тайваньни Хитойга қайта қўшиш аллақачон амалга оширилган бўлар эди.

АҚШ Хитой территориясининг бир қисмини зўрлик йўли билан ажратиб олишга интилади. АҚШ ҳукумати Хитойга нисбатан босқинчилик актини қилиб, буни АҚШнинг хавфсизлик манфаатлари ҳақидаги тамомила асоссиз баҳона билан оқлашга уринмоқда. Бу хил баҳонанинг бема'нилиги шунчалик равшанки, Хитойни Америкадан Тинч Океан ажратиб турганлиги ва Тайваньнинг АҚШдан 11 минг километрдан кўпроқ масофада турганлиги ма'лумдир.

АҚШ билан чанкайшичилар тўдаси ўртасидаги мазкур агрессив шартноманинг текстидан кўриниб турибдики, бу шартноманинг қоидалари фақат Тайваньга ва Пэнхуледао ороллариигагина эмас, балки «Ўзаро келишиш асосида белгиланиши мумкин бўлган бошқа территорияларга» ҳам жорий қилинади. Бунинг ма'носи шуки, АҚШ ҳукумати Тайваньни ва Пэнхуледао ороллариии Хитой Халқ Республикасига ва Узоқ Шарқдаги ҳамда Шарқи-Жанубий Осиёдаги бошқа тинчликсевар давлатларга қарши бундан кейинги агрессив ҳаракатлар учун плацдармлардан бири деб ҳисоблайди. АҚШнинг бу акти Узоқ Шарқдаги вазиятни шаксшубҳасиз кескинлаштиради ва давлатлар ўртасидаги муносабатлардаги кескинликни кучайтиради.

Герман милитаризмини тиклаш ва Ғарбий Германиини ҳарбий гуруҳларга жалб қилиш мақсадида Париж битимлари тузилганлиги, Шарқи-Жанубий Осиёда мустамлака режимини сақлаш мақсадида ҳарбий блок тузилганлиги, АҚШнинг Жанубий Кореядаги лисинманчилар ҳукумати билан «Ўзаро хавфсизликни та'минлаш» ҳақидаги, ҳақиқатда эса Узоқ Шарқда АҚШнинг яна бир ҳарбий плацдармини тузиш ҳақидаги шартномани имзолаганлиги, АҚШ билан Тайваньдаги чанкайшичилар тўдаси ўртасида, хитой халқига душманликдан иборат шартноманинг тузилганлиги, — мана буларнинг ҳаммаси халқаро кескинликни юмшатишга ҳалақит беришни кўзда тутган ва янги уруш тайёрлашни тезлатдиришни кўзда тутган АҚШ сиёсатининг айрим бўғинларидир.

Ма'лумки, АҚШнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан юргизаётган агрессив сиёсати ҳақида Совет Ҳукуматининг позицияси Совет Социалистик Республикаси Иттифоқи Ҳукумати билан Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг 1954 йил 12 октябрьдаги Бирлашган Декларациясида баён қилинган эди. Бу Декларацияда айтиладики, Қўшма Штатларнинг Хитой Халқ Республикасига нисбатан қилган бевосита агрессив актлари ва айниқса ХХР территориясининг бир қисми бўлган Тайвань оролининг Қўшма Штатлар томонидан оккупация қилиб турилиши давом этаётганлиги, шунингдек хитой халқига душман бўлган Чан Кай-ши тўдасига ҳарбий ва молиявий ёрдам бераётганлиги Узоқ Шарқда тинчликни сақлаш ва халқаро вазиятдаги кескинликни юмшатиш вазифаларига хилофдир.

СССР Ҳукумати билдирадики, у Хитой Халқ Республикаси Ташқи ишлар министри Чжоу Энь-лайнинг 8 декабрьдаги баёнотида ифода қилинган позицияга қўшилади, бу позиция шундан иборатки, Америка билан чанкайшичилар ўртасидаги «шартнома» Хитойнинг ички ишларига аралашишдир, унинг территориял бутунлигига қасд қилишдир, Хитойнинг хавфсизлигини ва Осиёда тинчликни таҳдид остида қолдиради. СССР Ҳукумати Хитой Халқ Республикаси Ҳукуматининг Тайваньдан, Пэнхуледао ороллариидан ва Тайвань бўғозидан америка қўшинларини олиб чиқиб кетиш ҳақидаги ҳамда Хитой Халқ Республикасига қарши қилинаётган агрессив ҳаракатларнинг тўхтатилиши ҳақидаги талабини тамомила қўллаб-қувватлайди. Совет халқи Хитой Халқ Республикасининг талабини ва хитой халқининг Хитой территориясининг ажралмас қисми бўлган Тайвань ва Пэнхуледао ороллариии озод қилишга қарор берганлигини тушунади.

Совет Ҳукумати билдирадики, АҚШ билан Чан Кай-ши тўдаси ўртасида тузилган «Ўзаро хавфсизлик ҳақидаги шартнома»нинг, я'ни агрессив шартноманинг оқибатлари учун жавобгарлик тамомила Америка Қўшма Штатлари ҳукумати зиммасига тушади.

Поездлар қатновининг қишки графиги

16 декабрьга ўтар кечаси мамлакатнинг темир йўлларида поездлар қатновининг қишки графиги жорий қилинди. Графикда мамлакатнинг кўпчилик магистрал ларида юк поездлари қатнови анча кўпайтирилган. Масалан, Омск, Москва-Рязань, Жанубий Урал магистрал ларида юк поездлари қатнови 22 — 24 процент ортади. Марказ ва ғарбий ўлкаларни Узоқ Шарқ, Урал ва Волга бўйи йўллари билан боғлайдиган муҳим томонларда юк поездлари қатнови айниқса кўп ортди. Халқ хўжалигига зарур энг муҳим юкларни ташиш учун қўшимча поездлар ишга туширилди, 142 та юк поезди қўшимча равишда жадал қатнаб турмоқда.

Қишки графикда колхозлар, МТС, совхозлар ва савдо шохобчаларига транспорт билан хизмат кўрсатишни яхшилашга алоҳида э'тибор берилган. Икки орадаги станцияларга келтирилган озиқ-овқат маҳсулотларини ва халқ исте'моли саноат молларини, қишлоқ хўжалик юкларини ташиш учун катта терма поездлар ишга туширилди,

Бирқанча йўлларда поездларни янада кучлироқ локомотивлар юритади. Поездларнинг оғирлик нормалари оширилади. Юк поездининг ўртача оғирлиги шу йил ёзги графикдагига нисбатан 50 тонна, айрим участкаларда 100, 150 тонна ва ундан ҳам кўп оширилган. Поездлар қатновининг техник ва коммерсия тезлигини ошириш кўзда тутилади. Бу эса йўлларда вагонларнинг оборотини икки соат тезла



Тошкент шаҳрининг қиёфаси кун сайин ўзгариб, унинг қўчаларига тобора кўп дарахтлар ўтказилмоқда. **Суратда:** шаҳарнинг Охунбобоев кўчасида дарахтлар ўтқазиш.

В. Володин фотоси.

Тошкент гидрометеринологика техникумининг студентлари метеринологик тажриба станцияларида амалий машғулот ўтказиб турадилар. **Суратда:** IV курс студенти **А. Корикова** гелнограф ўқув асбобининг ишини кузатмоқда.

Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

1955 йилги спорт мусобақалари календари

Бизнинг мамлакатимизда физкультура ва спорт ҳаракати оммавий тус олган. Физкультура ва спортни янада ривожлантиришда, спорт маҳоратини тинмай оширишда спорт мусобақаларининг роли катта-дир. Тажриба шуни кўрсатадики, календарь плани турли мусобақаларга қанча бой бўлса физкультура комитетларининг секциялари ҳам йилнинг ҳамма фаслларида шунча кўп ишлаш имкониятига эга бўладилар. Спорт мусобақаларида физкультура ташкилотларининг ўтган давр ичида олиб борган ишларига якун ясалади.

Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитети томонидан ўтказиладиган мусобақаларнинг сони йилдан-йилга ўсиб бормоқда. Агар 1953 йилда спортнинг ҳархил турлари бўйича Тошкент биринчилиги учун 69 та мусобақа ўтказилиб, бунга 50 минг физкультурачи қатнашган бўлса, 1954 йилда мусобақалар сони 90 га етказилди, унда иштирок этган физкультурачилар эса 70 минг кишидан ошди.

Спорт мусобақаларининг тез-тез ўтказиб турилиши орқасида пойтахтимизнинг физкультура ташкилотлари юқори разрядли спортчилар тайёрлаш планини ошириб бажардилар. Бу йил 175 спортчи биринчи разряд ва 710 спортчи иккинчи разряд нормасини бажардилар. Тошкент спортчиларидан 6 кишига эса СССР спорт мастери деган ном берилди.

Шаҳар физкультура ва спорт комитети 1955 йилга мўлжалланган календарь планида физкультура ва спорт ишларини янада ривожлантириш, бу ишга кўпроқ ёшларни жалб қилиш, рекордчи ва чемпионлар, сонини янада кўпайтиришни назарда тутди. 1955 йилда спортнинг ҳархил турлари бўйича 110 та расмий мусобақалар ўтказилади. Шу жумладан футбол, баскетбол, волейбол, теннис, енгил атлетика, сузиш, бокс, отиш, кураш, оғир атлетика ва бошқа спорт турлари бўйича мусобақалар ўтказилади. Бу мусобақаларда 100 мингдан ортиқ спортчи қатнашади.

1955 йилда биринчи марта ёшлар учун енгил атлетика бўйича шахсий биринчилик ва командалар биринчилиги учун мусобақа ўтказилади. Календарь планида спортнинг кўпгина турлари бўйича мустақил мусобақалашадиган ёш спортчиларга алоҳида аҳамият берилади.

Янги йилда биринчи марта ёз ва қиш фаслларида ёшларнинг спорт ўйинларини ташкил қилиш планлаштирилмоқда. Бундай мусобақалар спорт блан эндигина шуғулланаётган ёшларни спорт жамиятларига кенг жалб қилиш имконини беради.

Календарьда комплекс тадбирлар алоҳида ўринни эгаллайди. 1955 йилда спортнинг 13 тури бўйича район спартакиадалари, Тошкент шаҳар IX спартакиадаси, ўқувчилар спартакиадаси, «Физкультурник Узбекистана» газетасининг мукофоти учун II традицион комплекс эстафета, «Правда Востока» ва «Комсомолец Узбекистана» газеталарининг мукофоти учун енгил атлетика бўйича эстафета ўтказилади. «Ленин ўқуғи» ва «Пионер» журналлари мукофоти учун ўтказиладиган мактаб ўқувчиларининг 3-нчи эстафетасида 3000 дан ортиқ ёш спортчи қатнашади.

Тошкент шаҳрининг спортчилари республика биринчилиги учун ўтказиладиган мусобақаларнинг ҳаммасида иштирок этадилар.

Мактаб ўқувчилари баҳорги каникул давида СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Бутуниттифоқ физкультура ва спорт комитети томонидан Ашхобод ва Фрунзе шаҳарларида баскетбол ва волейбол бўйича шаҳарлараро ўтказиладиган мусобақаларда қатнашадилар.

Енгил атлетика бўйича Тошкентда ўтказиладиган Бутуниттифоқ мусобақалари шаҳар спортчилари қаётида муҳим воқеа бўлади. Бу мусобақани март ойида ўтказиш планлаштирилган.

1955 йил календарь планини муваффақиятли бажариш Тошкент шаҳридаги физкультура ташкилотлари раҳбарларидан спорт секцияларидаги ишни янада жонлантиришни, ўқув-та'лим ишларини тўғри ташкил қилишни талаб этади. Физкультура коллективларидаги мусобақаларга, район мусобақаларига қатнашмай, спортчиларнинг тор группаси блан мусобақаларнинг якунловчи этапларидагина иштирок этиш практикасидан воз кечиш пайти келди.

Спорт турлари бўйича 1955 йилда кўплаб ўтказиладиган мусобақалар Тошкент шаҳрида спортчиларнинг сонини оширишга, янги-янги қобилиятли спортчи кадрларнинг, рекордчиларнинг етишиб чиқишига ёрдам бериши шубҳасиздир.

А. БЕРЕЗОВСКИЙ,
Тошкент шаҳар физкультура ва спорт комитети раисининг ўринбосари.

Виставкага кандидат бўлган ясли

Янгийўл районидаги Свердлов номли колхознинг 3-нчи участкасида жойлашган болалар яслиси Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасининг қатнашчисидир. Бу яслининг болаларни тарбиялашдаги намунали иши виставкада тўла акс эттирилган. Ясли 13 хонадан иборат махсус бинога жойлашган бўлиб, зарур инвентарь ва ҳархил ўйинчоқлар блан етарли миқдорда та'минланган.

Яслида ҳозир 1 ёшдан 4 ёшгача бўлган 40 дан ортиқ бола тарбияланмоқда. Болаларнинг соғлигини кузатиб бориш учун врач ва фельдшер биркитилган. Колхоз болаларни мазали овқат блан та'минлаш ҳақида тинмай ғамхўрлик қилмоқда. Ясли ходимлари болаларнинг жисмоний тарбиясига ҳам катта аҳамият бермоқдалар.

Ўз ишининг моҳир усталари С. Охунова (ясли мудири), Ф. Жўраева (тарбиячи) ва Р. Нуриддинова (ошпаз) ўртоқлар яқинда Москвага Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик виставкасига бориб келдилар.

Р. МУҲСИМОВА.

Маданий моллар савдоси

Чирчиқда ҳар йили юзларча квадрат метр уй-жой ва маданий-маиший муассаса бинолари қурилмоқда. Шаҳар саноат корхоналарида самарали ва ҳалол меҳнат қилаётган ишчилар меҳнат унумининг тобора кўтарилишига эришмоқдалар. Натижада ишчиларнинг реал иш ҳақлари ошиб бормоқда.

Шаҳарда шахсий машинага эга бўлган юзларча ишчи,хизматчи, инженер-техник ходимларни учратиш мумкин. Сталин номидаги электрохимия комбинатининг ишчилари Калинин, Худяков, «Чирчиксельмаш» заводи қуюв цехининг бошлиғи Чичель ўртоқлар «Победа» маркали, Чирчиқ ойна заводининг смена бошлиғи Тен «ЗИМ» маркали машина сотиб олдилар.

Булардан ташқари ташкилот ва муассасалар ҳамда айрим кишиларга шаҳар маданий магазини томонидан ўндан ортиқ пионино сотилди.

Яқинда Ворошилов кўчасида ювелирторг магазини очилди. Шаҳар аҳолиси бу магазиндан ўзларига керак бўлган олтин ва кумуш буюмларни сотиб олаётирлар.

Л. МИШИН.

Район колхозларида янги қурилишлар

Верхне-волинск район колхозларида турли уй-жой, маданий-маиший бинолар қурилишига қатта аҳамият берилаётир. Шўрўзак қишлоқ советидаги Свердлов номли колхоз а'золари бу йил пахтадан мўл ҳосил етиштириб, олган даромадларининг бир қисмини қурилишга сарфладилар. Шу йилнинг ўзида колхозда 22 хўжалик учун янги типда уй, колхоз правлениеси учун идора, 6 хонадан иборат болалар яслиси ва катта молхона қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Шунингдек Верхне-волинск қишлоқ советидаги Максим Горький номли колхозда 6 хонадан иборат туғуруқхона қурилиб, ишга туширилди. Райондаги Карл Маркс, Куйбишев номли колхозларда ҳам уй-жой ва жамоат бинолари қуриш ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

А. ШЕРМАТОВ.

ЖАҲОН КАСАБА СОЮЗЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ БОШ ҚЕНГАШИНИНГ 7-НЧИ СЕССИЯСИ

Охирги мажлис

ВАРШАВА, 14 декабрь. (ТАСС). Бугун кечқурун Варшавада Жаҳон касаба союзлари федерацияси Бош кенгаши 7-нчи сессиясининг охирги мажлиси бўлди.

Сессия ЖҚСФ ревизорларининг ҳисоботини тинглади ва тасдиқлади. Сессия БМТ бош секретарига ва БМТ Бош Ассамблеяси раисига ёзилган очиқ хат текстини қабул қилди. Очиқ хатда чанкайшичи қароқчилар томонидан очиқ денгизда ушлаб олинган «Президент Готвальд» деган Польша кемасининг ва «Туапсе» деган совет танкерининг денгизчиларини тезроқ озод қилиш учун мумкин бўлган ҳамма чораларни кўриш илтимос қилинади.

Бутун дун'ёдаги меҳнаткашларга ва касаба союз ташкилотларига қарата мурожаат қабул қилинди. Мурожаатда поляк ва совет денгизчиларини ҳимоя қилиб чиқишга чақирилади. Гватемаладаги, Испаниядаги, Жазойирдаги, Эрон ва Грециядаги аҳвол ҳақида ҳам айрим резолюциялар қабул қилинди.

Сессия қатнашчилари кун тартибидаги биринчи модда юзасидан тақдим этилган умумий резолюцияни баланд руҳ блан қабул қилдилар. Бу резолюцияда ҳозирги вақтдаги халқаро аҳвол анализ қилиб берилган ва Европада, Осиёда ҳамда бутун дун'ёда тинчлик учун, ишчилар синфининг турмушини ва меҳнатини яхшилаш учун курашда меҳнаткашларнинг ҳаракат бирлигини мустаҳкамлаш соҳасидаги вазифалар белгилаб берилган.

Сессия Меҳнаткашлар касаба союз ҳуқуқларининг хартиясини яқдиллик блан тасдиқлади ва хартияни қўллаб-қувватлаш юзасидан халқаро кампания ташкил қилиш ҳақидаги резолюцияни қабул қилди.

Дунай комиссиясининг 11-нчи сессияси тамом бўлди

БУДАПЕШТ, 16 декабрь. (ТАСС). Кеча Дунай комиссияси 11-нчи сессиясининг охирги мажлиси бўлди. Мажлисда «Дунайда кемалар қатнаши ҳақидаги асосий қондалар»га кемачилик практикаси тақазо қилган қўшимчалар қабул қилинди. Мажлисда «Дунай комиссияси секретариати ва иш аппарати ходимларининг ҳуқуқлари ҳамда вазифалари ҳақида регламент» тасдиқланди.

Навбатдаги 12-нчи сессия 1955 йил июньда ўтказилади.

11-нчи сессия ишчанлик блан ўтди. Ҳамма масалалар юзасидан қарорлар бир овоздан қабул қилинди.

Дунай комиссиясининг раиси Эндре Шик сессияни ёпиб, сессия барча делегацияларнинг дўстона, ишчан ҳамкорлиги самарали эканлигини кўрсатди, деди. У шундай бир ижобий фактни ҳам кўрсатиб ўтдики, Дунай бўйидаги мамлакатлар Дунайнинг ўзларига қарашли участкаларида комиссиянинг рекомендацияларини амалий равишда бажаришга киришганлар. Бу эса комиссияга Дунайда кемалар қатнавини яхшилаш блан боғлиқ масалаларни ҳал этиш блан ишчан ва конкрет шуғулланиш имкониятини беради.

ПЕКИНДА СССРНИНГ ИҚТИСОДИЙ ВА МАДАНИЙ ҚУРИЛИШ СОҲАСИДАГИ МУВАФФАҚИЯТЛАРИНИ КЎРСАТУЧИ ВИСТАВКАНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

ПЕКИН, 14 декабрь. (ТАСС). СССРнинг иқтисодий ва маданий қурилиш соҳасидаги муваффақиятларини кўрсатучи виставка Пекинда икки ойдан кўпроқ вақт ишлаб турипти. Шу вақт ичида виставкани 2 миллион 500 мингдан кўпроқ киши келиб кўрди. Виставкага Пекин аҳолисидан ташқари яна бошқа вилоятлардан ҳам 400 минг тамошабин келди.

Хитой мутахассислари — машинасозлар, кончилар, бинокорлик ишчилари, илмий ходимлар ва сан'атшунослар учун виставкада лекция ҳамда докладлар ташкил қилинмоқда. Виставкани келиб кўрган кишилар ёзиб қолдирган жуда кўп хатларида совет индустриясидан, совет қишлоқ хўжалигининг юксак даражада механизация қилинганидан, совет рассомлари ва скульпторларининг ажойиб асарларидан қойил қолганликларини билдирмоқдалар ва Совет Иттифоқидан янада қунт блан ўрганишни истаётганликларини изҳор қилмоқдалар.

Афғонистон блан СССР ўртасидаги маданий алоқалар кенгаймоқда

КОБИЛ, 16 декабрь. (ТАСС). Бу ерда Афғонистонда совет кинофильмларини кўрсатиш ҳақида битим имзоланди. Битимнинг муддати — 6 ой, лекин ҳар иккала томон индамай қолиш йўли блан рози бўлганларида бу муддат ўз-ўзидан яна олти ойга чўзилиши мумкин.

Битимни СССРнинг Афғонистондаги савдо маслаҳатчиси Лизин ва мусофирхоналар акцияли жамиятининг раиси Муҳаммад Али Широзий имзолади (кино-театрлар шу жамиятга қарайди).

1953 йилда имзоланган битимга биноан Афғонистонда 25 га яқин совет фильми кўрсатилди, бу фильмларни бирнеча минг киши тамоша қилди.

МИСРДА СОВЕТ СПОРТЧИЛАРИНИНГ ҒАЛАБАСИ

ҚОҲИРА, 15 декабрь. (ТАСС). Кеча Қоҳирада СССР терма командаси блан Миср куролли кучлари терма командаси ўртасида классик кураш бўйича ўртоқлик учрашуви бўлди. Совет полвонлари 8:0 ҳисоби блан ғалаба қилдилар. Спортчилардан Мазур, Николаев, Картозия, Шатворян ва Бардибахин айниқса катта маҳорат кўрсатиб, тўла ғалаба қозондилар.

Совет спортчилари Миср полвонлари блан яна икки марта учрашадилар.

Бельгия Коммунистик партиясининг 11-нчи миллий с'езди

БРЮССЕЛЬ, 14 декабрь. (ТАСС). Бельгия Коммунистик партиясининг 12 декабрьда тамом бўлган 11-нчи миллий с'езди танқид ва ўз-ўзини танқид кенг қизитиб юборилган бир вазиятда ўтди. Бу танқид ва ўз-ўзини танқид партиянинг ишидаги ва унинг раҳбарлигидаги камчиликларга ҳамда хатоларга қарши қаратилди. С'езд партиянинг бирлигини намойиш қилди. Делегатлар ишдаги камчиликларни танқид қилиб, партиянинг ишини яхшилаш, унинг ишчилар синфининг авангарди сифатидаги, тинчликни ва миллий мустақилликни ҳимоя қилучи сифатидаги ролини та'минлаш соҳасида конкрет вазифаларни қўйдилар.

Кўпгина нотиқлар ўз нутқларини тинчлик учун ва Бельгиянинг миллий мустақиллиги учун кураш масалаларига бағишладилар. Брюссель федерациясининг вакили Релеком айтдики, тинчлик учун кураш Бельгияда, даставвал, Ғарбий Германиянинг қуроллантирилишига қарши кураш блан боғлаб олиб борилмоғи лозим. Релеком Бельгияда тинчлик учун кураш ҳаракати кучайганлигини та'кидлаб ўтди ва партия а'золарини бу ҳаракатда авангардлик ўрнида туришга чақирди.

Делегатларнинг нутқларида партия матбуотига етарли раҳбарлик қилинмаётганлиги ҳам танқид қилинди.

С'езда Руминия, Польша, Чехословакия, Венгрия, Болгария, Германия Демократик Республикаси, Ғарбий Германия, Буюк Британия, Финляндия, Австрия, Япония ва бошқа мамлакатлардаги қардош коммунистик ҳамда ишчи партияларидан келинган табрикномалар ўқиб эшитдирилди. С'езд делегатларини Франция Коммунистик партияси номидан Этьен Фажон, Италия Коммунистик партияси номидан Спано табриклидилар.

С'езда Эрнест Бюрнель якунловчи нутқ ўзлади. У с'езднинг яқдиллик вазиятида ўтганлигини та'кидлаб ўтди ва камчиликларнинг танқид қилиниши ҳамда ўз-ўзини танқид партиянинг фаолиятини янада юксакроқ даражага кўтариш имкониятини беради, деб ишонч билдирди. Бюрнель, партия тинчлик учун курашда бор кучи блан қатнашади ва меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, деди.

С'езд партиянинг бирлигини мустаҳкамлаш ва меҳнаткашлар оммаси ўртасида унинг ишини кучайтириш йўлларини кўрсатучи қарорларни қабул қилди. С'езднинг қарорлари ҳали э'лон қилинмаган йўқ.

С'езд ташкилий масалаларни ҳам муҳокама қилди ва 55 кишидан иборат Марказий Комитет сайлади. Марказий Комитетга, жумладан, Эрнест Бюрнель, Ван Муркерке, Лальман, Терф ва бошқалар сайланди.

Марказий Комитетнинг мажлисида раҳбарлик органлари сайланди. МК секретариатига Эрнест Бюрнель, Ван Муркерке, Рене Белен сайланди. МК сиёсий бюроси составига қуйидагилар кирди: Эрнест Бюрнель, Ван Муркерке, Рене Белен, Ван ден Бранден, Жорж Глинер, Де Конен. Коммунистик матбуотга раҳбарлик қилиш вазифаси Ван Муркеркега юклатилди.

Араб давлатлари ташқи ишлар министрларининг кенгаши

БАЙРУТ, 14 декабрь. (ТАСС). Араб давлатлари ташқи ишлар министрларининг қоҳирада бирнеча кун давом этган кенгаши тамом бўлди. Миср ташқи ишлар министри Фавзий раислигида ўтган кенгашда Сурия, Ливан, Ироқ, Иордания ташқи ишлар министрлари ва Саудия Арабистони королининг шахсий маслаҳатчиси қатнашдилар. Кенгашда қабул қилинган қарорлар сир тутилмоқда.

Броқ матбуотда босилган хабарлардан ма'лум бўлишича, Туркия — Покистон пактини кенгайтириш планларига ва ўрта Шарқ ҳарбий блоки тузиш ҳақида АҚШ блан Англия ўртага қўяётган бошқа проектларга араб мамлакатлари ҳукуматларининг қандай муносабатда бўлиши ҳақидаги масала кенгашда марказий ўринда турган.

Бу кенгаш Туркия бош министри Мендерис араб мамлакатлари пойтахтларига боришига тайёргарлик кўраётган вақтга тўғри келди. «Ориан» газетасининг ёзишича, Туркия бош министри бу сафари вақтида Араб мамлакатларини Анқара — Карачи «ўқи»га жалб қилишга яна уриниб кўрмоқчи. Матбуот шу нарсага э'тиборни жалб қилмоқдаки, Англия ва Америка дипломатияси бу хил планлар блан бирқаторда кейинги вақтда араб давлатлари коллектив ҳавфсизлик пактидан Араб Шарқидаги мамлакатларни Ўрта Шарқ ҳарбий блокига жалб қилиш мақсадида фойдаланмоқчи бўлиб уринмоқда. Араб мамлакатларининг «ўз ташаббуси» деган баҳоча блан ишлатилаётган бу найранг кейинчалик араб мамлакатлари блокини Покистон — Туркия пакти блан енгилроқ боғлаб қўйишни кўзда тутади.

Ливанда чиқадиган «Алҳаёт» газетасининг ёзишича, бу хил планлар шу йил августоийда Сарсанкда (Ироқ) бўлган музокаралар вақтидаёқ муҳокама қилинган. Ўша вақтда Ироқ бош министри Нури Саид блан Миср миллий раҳбарлик министри Салоҳ Салим «араб давлатларининг коллектив ҳавфсизлик пактини янги иттифоқ ўзагига айлантиришга қаратилган сиёсатни юргизиш ҳақида» келишганлар. Бу «иттифоққа бошқа Ўрта Шарқ мамлакатлари қўшилишлари лозим ва бу иттифоқ АҚШ блан Англиядан ҳарбий ёрдам олади».

Кўриниб турибдики, бу планлар ўтилган кенгашнинг ишида ўз ифодасини топган. Ироқ ташқи ишлар министри Мусо Шабандер Қоҳирада бўлган матбуот конференциясида баёнот бериб, кенгашда араб мамлакатларининг «ҳавфсизлигини та'минлаш» проблемасига ва араб мамлакатларининг коллектив ҳавфсизлик пактини «та'сирлироқ ва амалийроқ қилиш» ҳақидаги масалага асосий э'тибор берилганлигини айтган. Миср газеталарининг ёзишича, Ироқ вакили кенгашда Пактнинг доирасини кенгайтиришни ва тузилаётган ҳарбий системага Эронни ҳам киритишни таклиф қилган.

Ташқи ишлар министрлари кенгашининг рекомендациялари Араб мамлакатлари мудофааси бирлашган кенгаши томонидан кўриб чиқилади, бу кенгашнинг сессияси 10 январьда чақирилади, сўнгра араб мамлакатлари ҳукуматлари бошлиқларининг кенгашида тасдиқланиши лозим. Газеталарнинг ёзишича, бу кенгаш январь ойининг охирларида чақирилмоқчи.

БМТ даги Англия вакилининг урушқоқликдан иборат баёноти

ЛОНДОН, 14 декабрь. (ТАСС). Америка матбуотининг хабар беришича, Бирлашган Миллатлар Ташкилотидаги Англия вакили, ташқи ишлар бўйича давлат министри Наттинг, 12 декабрьда Нью-Йорк радиосининг телевизия орқали берган эшитдиришида нутқ сўзлаб, агар Хитой Халқ Республикаси Тайвань оролини озод қилмоқчи бўлса, Англия Қўшма Штатлар томонида туриб Хитойга қарши уришади, деб англатиб ўтган.

Наттингнинг баёноти Англияда кескин норозиликларга сабаб бўлди. Парламентнинг лейборист а'золаридан бир группаси кеча умум палатасига резолюция тақдим этди. Бу резолюцияда Наттингнинг баёноти танқид қилинади. «Формозадаги специфик вазиятни назарда тутиб,—дейилади резолюцияда,—умумпалатаси билдирадики; Англия ҳукуматининг мажбуриятлари, хабарларда биллирилганидек ташқи ишлар бўйича давлат министри айтган характерда эмасдир...» Резолюцияни парламентнинг лейборист а'золари А. Ирвин, Р. Броссмэн, Т. Драйберг, М. Фут, Г. О. Роберте ва Эдвард Эванс имзолаганлар.

Парламентнинг лейборист а'зоси Ирвин бугун умум палатасига таклиф киритди. У, ўз таклифида ташқи ишлар министри Идендан «ҳукуматнинг Формоза масаласидаги сиёсати» ҳақида умум палатасида шахсан баёнот беришини расмий равишда сўрайди.

Лондонда чиқадиган «Таймс» газетасининг ёзишича, Вашингтонда Наттингдан «мамнун бўлганлар». Газетанинг ёзишича, унинг баёноти Қўшма Штатларда ба'зи кишиларни «мамнун қилган бўлса керак». «Қўшма Штатларнинг Чан Кай-ши блан яқинда тузган икки томонлама битимлари муносабати блан» бу хил баёнот айниқса муҳимдир, деб ёзади «Таймс» газетаси.

Газета бу ерда АҚШ блан чанкайшичилар тўдаси ўртасида 2 декабрьда Тайвань-да имзоланган «ўзаро мудофаа» ҳақидаги игвогарликдан иборат битимни кўзда тутади.

«Дейли экспресс» газетасининг Вашингтондаги мухбири бундай деб ёзади: «Наттингнинг баёнотидан илгари, Англия Формозада Чан Кай-шини ҳимоя қилишда Америкага ёрдам беради, деб баҳс ўйнайдиган шарҳчилар жуда кам топилар эди. Эндиликда, агар расмий раддия бўлмаса, биз бундан атиги 12 кун илгари Чан Кай-ши блан ўзаро мудофаа ҳақида пакт тузган американликлар блан бир сафда бўлар эканмиз».

Бельгия парламентининг ташқи ишлар комиссиясида

ЛОНДОН, 15 декабрь. (ТАСС). Рейтер агентлиги мухбирининг Брюссельдан берган хабарига қараганда, Бельгия парламенти қуйи палатасининг ташқи ишлар комиссияси Германияни қайталан қуроллантириш ҳақидаги Париж битимларини ратификация қилиш тўғрисидаги қонун проектини кеча ма'қуллаган. Комиссия вакилининг айтишига кўра, Бельгия парламентининг қуйи палатасида бу қонун проекти юзасидан мунозаралар ва уни овозга қўйиш январь ойида бўлади.

ҲИНДИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИНГ ТОШКЕНТДА БЎЛИШИ

Ҳиндистон тинчлик тарафдорларининг Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган, Жаҳон Тинчлик Кенгаши Стокгольм сессиясининг ишида қатнашган делегацияси 14 декабрьда Тошкентдан самолётда Москвага учиб кетди. Меҳмонлар Тошкентда тўрт кун бўлиб, шу вақт ичида Давлат халқ кутубхонасида, Давлат опера ва балет театрида, сан'ат музейида, ўрта мактабда бўлдилар.

Сталин номидаги тўқимачилик комбинатида меҳмонлар социал-маиший муассасаларнинг иши блан, Тошкент область Калинин районидаги Сталин номли колхозда эса ўзбек пахтакорларининг турмуши блан танишдилар. (ЎзТАГ).

ИНДОНЕЗИЯ ПАРЛАМЕНТИ САСТРОАМИДЖОЙО ҲУКУМАТИГА ИШОНЧ БИЛДИРДИ

ЖАКАРТА, 15 декабрь. (ТАСС). Кеча кечқурун Индонезия парламенти Састроамиджойо ҳукуматига ишончсизлик билдириш ҳақидаги таклифни рад этди. Бу таклифни машуми партияси, социалистик партия ва бошқа оппозициячи партиялар киритган эди.

Таклифни овозга қўйиш олдидан бўлган қизғин музокаралар вақтида депутатлар Састроамиджойо ҳукуматини ағдариб ташлашга интилаётган партияларнинг раҳбарлари мустамлакачи давлатлар блан боғланганлигини ва ҳукуматга ишончсизлик билдириш ҳақидаги таклиф асилда Америка элчихонаси томонидан қилинганлигини бирнеча марта айтиб ўтдилар.

Ҳукуматни қувватлаб ҳукумат партияларидан, шунингдек Коммунистик партиядан ва Индонезия касаба союзлари Марказий федерациясидан бўлган 115 депутат овоз берди. Ҳукуматга ишонч билдиришга қарши машуми партиясининг вакиллари, социалистлар ва бошқа майда партияларнинг вакиллари овоз бердилар.

Бош министр Састроамиджойо парламентда сўзлаган нутқида халққа ҳукуматни қўллаб-қувватлаганлиги учун ташаккур изҳор қилди.

«Берита Индонезия» газетаси парламентдаги музокаралари анализ қилиб, бундай деб ёзади: «Эндиликда равшанки, кабинетни халқ чинакам қўллаб-қувватламоқда ва оппозициянинг ҳукуматга қилаётган қабиҳ ҳужумлари барбод бўлди».

«Сулу Индонезия» газетасининг та'кидлаб ўтишича, оппозициянинг антикоммунистик пропаганда юргизиш йўлидаги уринишлари барбод бўлди. Газетанинг ёзишича, оппозициянинг Голландия мустамлакачилари манфаатларини ва уларнинг тарафдорлари манфаатларини кўзда тутиб иш кўраётганлиги эндиликда равшан бўлиб қолди.

Индонезия миллий партиясининг с'езди

ЖАКАРТА, 16 декабрь. (ТАСС). Кеча Бандунгда Индонезия миллий партиясининг 7-нчи с'езди очилди. С'ездда бир мингга яқин делегат қатнашмоқда. Антара агентлигининг хабар беришича, миллий партия ижроия комитетининг секретари Сутойо баёнот бериб, партияда 7 миллион а'зо борлигини, бундан икки йил илгари эса партияда бирярим миллион а'зо бўлганлигини айтган.

С'ездда Састроамиджойо бошчилигида миллий партиянинг а'зоси бўлган ҳамма министрлар қатнашмоқда.

С'ездда ички сиёсий ва ташқи сиёсий проблемалар, парламент сайловига тайёргарлик кўриш ҳақидаги масала Индонезия республикасининг конституцияси ҳақидаги масала ва бошқа масалалар муҳокама қилинади.

ЮБИЛЕЙ ШАРАФИГА ЎТКАЗИЛГАН ШАШКА МУСОБАҚАСИНИНГ НАТИЖАЛАРИ

Совет Ўзбекистонининг шонли 30 йиллик юбилейи шарафига бағишланиб ўтказилган шашка мусобақаси йигирма кундан кўпроқ давом этди.

Мусобақада москвали спорт мастери Л. Хейф 18 имкониятдан 10,5 очко олиб, биринчи ўринни эгаллади. Спорт мастерлари Н. Шутилжин (Калинин), Е. Тюнев (Ленинград), Ш. Ёқубов (Тошкент) ва мастерликка кандидат Б. Канишчикер (Тошкент)лар мусобақада голиб чиқан Хейфдан фақат ярим очко орқада қолдилар ва иккинчи-бешинчи ўринларни бўлишиб олдилар. Шутилкин ва Хейф мусобақа давомида бир марта ҳам мағлубиятга учрамадилар.

Ўзбекистон ССР чемпиони Ш. Ёқубов мусобақада муваффақиятли ўйнади. Мусобақа натижалари Ёқубовнинг Совет Иттифоқининг энг кучли шашкачиларидан бири эканлигини тасдиқлади. Тошкентли мастерликка кандидат Канишчикер шашка бўйича СССР спорт мастери номини олиш нормасини бажарди. Олтинчи, еттинчи ўринлар 9 очко олган спорт мастери П. Святой ва 8,5 очко олган С. Петровларга берилди.

Мастерликка кандидат И. Гавриленко 8 очко олиб, саккизинчи ўринни эгаллади ва у спорт мастери Е. Тюневга қарши ўйнашда яхши натижаларни қўлга киритди. Тўққизинчи ўринни 7,5 очко олган ёш шашкачи С. Гуляев эгаллади. Мастерликка кандидат И. Берштейн ҳаммадан кейинда қолди.

Мусобақа голиблари Л. Хейф, Ш. Ёқубов ва Б. Канишчикерлар Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ҳузуридаги физкультура ва спорт комитетининг дипломлари ҳамда қимматбаҳо буюмлар блан мукофотландилар.

ОБ-ҲАВО МА'ЛУМОТИ

Тошкент об-ҳаво бюросининг ма'лумотига қараганда, бугун Тошкент областида ва Тошкентда ҳавонинг бироз булутланиб туриши кутилади, ёғингарчилик бўлмайди. Температура 0—5 даража совуқ бўлади.

Редактор З. ЕСЕНБОЕВ.

ТЕАТРЛАРДА:

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/XII да **Оғриқ тишлар**, 18/XII да **Қутлуғ қон.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **қизиқчилар группаси гастрольларининг давоми.** Юмор, сатира, кулги. **Ван Зе-вей** раҳбарлигида **янги хитой аттракциони, эстон артистлари** ҳамда **ўзбек цирк коллективининг гастрольлари.** Тамоша кеч соат 8 да бошланади.

КИНОТЕАТРЛАРДА:

«РОДИНА», НАВОИ номли, «ИСКРА», «ЁШ ГВАРДИЯ», «ЎЗБЕКИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ», «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ»— янги кинокомедия **Запасдаги ўйинчи.**

РЕДАКЦИЯ ВА НАШРИЁТ АДРЕСИ: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 34. РЕДАКЦИЯ БЎЛИМЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ: коммутатор — 36334 ва 33262 орқали Партия гурмуши бўлими — 136, Пропаганда бўлими — 136, Совет қурилиши бўлими — 132. Маданият бўлими — 132, Адабиёт ва сан'ат бўлими — 39040, Қишлоқ хўжалик бўлими—135. Саноат ва транспорт бўлими — 132, Хатлар бўлими — 132 Секретариат — 34048, Э'лонлар бўлими — 38142

Р 08753. «Қизил Ўзбекистон», «Правда Востока» ва «Ўзбекистони сурх» бирлашган нашриётининг босмахонаси. Нашр. № 1580.